5 - АПР 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 80 (20. 647) • 1990 йил 6 апрель, жума • Баҳоси 3 тийин.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ

ҚОНУНИ

ГРАЖДАНЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИГИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛГАНЛИК ВА ССР ИТТИФОҚИ ТЕРРИТОРИЯСИНИНГ БИРЛИГИНИ ЗЎРЛИК БИЛАН БУЗГАНЛИК УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ушбу қонун— гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни кучайтириш, турли миллатчи ва айирмачи уюшмаларнинг гражданларни миллатига, тилига, динига қараб камситишга, миллатлараро душманлик ва адоватни кучайтиришга, СССР Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган ССР Иттифоқи территориясининг бирлигини зўрлик билан бузишга қарши қаратилган фаолияти пайини қатъиян қирқиш зарурлигига асосланади;

ССР Иттифоқининг гражданларни камситишга, миллий нафрат, душманлик ва зўравонликни кучайтиришга қаратилган ҳар қандай фаолиятни қонун йўли билан тақиқлаш тўғрисидаги халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларини эътиборга олади.

1. Гражданлар ҳар қандай уюшмаларининг, шу жумладан сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатларнинг миллий ёки ирқий душманлик, адоват ёки камситишни кучайтиришга, миллий, ирқий, диний асосда зўрлик ишлатишга қаратилган фаолияти, шунингдек уларнинг СССР Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва округларнинг территорияси бирлигини зўрлик билан бузишга бевосита қаратилган фаолияти қонунга зиддир ва тақиқланиши керак.

2. Ушбу қонуннинг 1-моддасида кўрсатилган уюшмаларнинг фаолияти иттифоқдош ёки автоном республика Олий Советининг Раиси ёки бошқа олий давлат мансабдор шахси, иттифоқдош, автоном республика Министрлар Советининг Раиси, халқ депутатлари маҳаллий Советининг раиси ёки унинг ижроия комитети раисининг ёхуд прокурорининг тақдимномасига биноан иттифоқдош республика Олий судининг, автоном республика Олий судининг, ўлка, область, шаҳар судининг, автоном область судининг, автоном округ судининг қарори билан қонунга хилоф деб тан олинади ва тақиқланади.

Гражданлар ана шу уюшмаларининг фаолияти бир неча иттифоқдош республиканинг территориясига ёйилган ёки республикаларо муносабатларга дахлдор бўлган ҳолларда шу уюшмалар фаолиятини тақиқлаш тўғрисидаги қарор СССР Президентининг, СССР Министрлар Совети Раисининг, СССР Бош прокурорининг тақдимномасига биноан, шунингдек иттифоқдош, автоном республика Олий Совети Раисининг ёки бошқа олий давлат мансабдор шахсининг, иттифоқдош, автоном республика Министрлар Совети Раисининг тақдимномасига биноан СССР Олий суди томонидан қабул қилиниши мумкин. СССР Президенти гражданларнинг хавфсизлигини таъминлаш манфаатларини кўзлаб, СССР Олий суди қарор қабул қилгунга қадар ушбу қонуннинг 1-моддасида кўрсатилган уюшмаларнинг фаолиятини вақтинча тўхтатиб қўйиши мумкин.

Суд томонидан фаолияти тақиқланган гражданлар уюшмаси тарқатиб юборилади, унинг мол-мулки эса давлатга ўтади.

3. Ушбу қонуннинг 1-моддасида кўрсатилган гражданлар уюшмаларини тузиш соҳасидаги ҳаракатлар, шунингдек уларнинг фаолиятида актив қатнашганлик учун, агар бунинг учун қонунларда жиноий жавобгарлик кўзда тутилмаган бўлса, ўн минг сўмгача миқдорда жарима солиш тарзида маъмурий жазо берилади ёки ўн беш кун муддатгача маъмурий ҳибсга олинади.

Қонунбузарликлар тўғрисидаги протоколлар ички ишлар органларининг ходимлари томонидан ёки халқ депутатлари Советлари бу ишга вакил қилган бошқа мансабдор шахслар томонидан тузилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўзда тутилган қонунбузарлик тўғрисидаги ишлар халқ судьялари томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

4. ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва округлар территориясининг бирлигини зўрлик билан бузишга ошкора қилинган даъватлар учун жиноий жавобгарлик белгиланиб, «Давлатга қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги 1958 йил 25 декабрдаги СССР қонунининг 7-моддаси (СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1959 йил, 1-сон, 8-модда; СССР халқ депутатлари Съезди ва СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1989 йил 9-сон, 203-модда) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7-модда. Совет давлат ва жамоат тузумини зўрлик билан ағдаришга ёки ўзгартиришга ёхуд ССР Иттифоқи территориясининг бирлигини зўрлик билан бузишга қилинган даъватлар.

Совет давлат ва жамоат тузумини зўрлик билан ағдаришга ёки ўзгартиришга ёхуд СССР территориясида мустаҳкамлаб қўйилган ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва округлар территориясининг бирлигини зўрлик билан бузишга ошкора қилинган даъватлар, шунингдек мазкур мақсадда мана шундай мазмундаги материалларни тарқатганлик учун —

уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан ёки 10 минг сўмгача жарима солиш билан жазоланади.

Шу хатти-ҳаракатларнинг ўзи такрор ёки шахсларнинг уюшган гуруҳи билан қилинган тақдирда, —

етти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан ёки 20 минг сўмгача жарима солиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида кўзда тутилган ва чет эл ташкилотларининг ёки улар вакилларининг топшириғи билан қилинган ҳаракатлар учун, —

мол-мулки мусодара қилиниб ёки қилинмай, ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади».

5. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг 1958 йил 25 декабрдаги СССР қонуни билан тасдиқланган жиноий қонун асослари 34-моддасининг биринчи қисми (СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1959 йил, 1-сон, 6-модда; 1969 йил, 29-сон, 249-модда) қуйидаги мазмунда 3[1] банд билан тўлдирилсин:

«3[1] миллий ёки ирқий душманлик ёхуд камситиш негизида қилинган жиноятлар».

6. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг 1958 йил 25 декабрдаги СССР қонуни билан тасдиқланган жиноий ишларни судлаш асослари 28-моддаси 1-қисмида (СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1959 йил 1-сон, 15-модда; 1961 йил 26-сон, 270-модда; 1963 йил 16-сон, 181-модда; 1981 йил 33-сон, 966-модда; 1984 йил 3-сон, 58-модда; 1989 йил 15-сон, 106-модда; СССР халқ депутатлари Съезди ва СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1989 йил 9-сон, 203-модда), «7 (Совет давлат ва жамоат тузумини зўрлик билан ағдаришга ёки ўзгартиришга даъватлар)» сўзлари «7 (Совет давлат ва жамоат тузумини зўрлик билан ағдаришга ёки ўзгартиришга ёхуд ССР Иттифоқи территориясининг бирлигини зўрлик билан бузишга қилинган даъватлар)» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги қонун асослари 14-моддаси 2-қисми (СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1980 йил 44-сон, 909-модда; 1987 йил 22-сон, 312-модда; 1988 йил 31-сон, 506-модда) «Бир минг сўмгача» сўзларидан кейин «гражданларнинг фаолияти тақиқланган уюшмаларни тузганлиги ва уларнинг фаолиятида фаол қатнашганлиги учун, — ўн минг сўмгача жарима» сўзлари билан тўлдирилсин.

8. СССР Олий Совети Президиумининг 1978 йил 14 апрелдаги «Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги Фармони (СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1978 йил 16-сон, 252-модда; 1985 йил 21-сон, 369-модда; 1987 йил 25-сон, 354-модда; 1988 йил 31-сон, 506-модда) биринчи моддаси «йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларини уюштириш ҳамда ўтказиш тартибини бузганлик учун» сўзларидан кейин «фаолияти тақиқланган уюшмаларни тузганлик, уларда фаол қатнашганлик учун» сўзлари билан тўлдирилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 2 апрель.

ЭРТАНГИ ФАРОВОН КУНЛАРНИ ЎЙЛАБ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси ҳаётимизни янада демократиялаш, ошкораликни таъминлаш сари муҳим қадам бўлди

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ниҳоясига етди. Деярли саккиз кун бутун жумҳуриятимиз халқлари нигоҳини ўзига қаратган олий анжуман якунланди. Кун тартибига қўйилган масалаларнинг долзарблиги, халқ депутатларининг фаоллиги, йиғилишларнинг ошкора ва демократик тарзда ўтганлиги диққатга сазовор.

Сессиянинг ўлкамиз меҳнаткашлари ҳаёти, жумҳуриятимизнинг истиқболи ва тараққиётида тутадиган ўрни ва аҳамияти ҳақида баҳслашиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Унда халқимизнинг кўнглига тугиб юрган, кўпчиликнинг виждонини қийнаб турган жуда кўп масала ва муаммолар муҳокама этилди. Тўғри, айрим масалалар муҳокамаси натижалари бўйича қарор қабул қилиш келгуси сессияга қолдирилди. Шунга қарамай, унинг хулосалари ҳозирги мураккаб шароитда жуда кўп муаммоларни ҳал этишга аниқлик киритди.

Сессия натижаларидан энг муҳими, олий ҳокимиятни бошқаришни тубдан ўзгартириш юзасидан қарор қабул қилинганлигидир. Республика тарихида биринчи марта Асосий Қонунга ўзгартиш киритиш асосида Ўзбекистон ССР Президенти лавозими таъсис этилди. Биз ўн беш қардош республика орасида биринчи бўлиб якдиллик билан ўз Президентимизни сайладик. Тегишли тартиб бўйича Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети раиси ҳам сайланди.

Президент бошқарувини ҳаётнинг ўзи, қайта қуришнинг ривожи, моҳияти, унинг мураккаб ва зиддиятли жараёнлари тақозо этди. Жумҳуриятимиз бутун мамлакат сингари бугун оғир бурилиш даврини бошдан кечиряпти. Узоқ йиллар мобайнида йиғилиб қолган миллий, снёсий, ижтимоий-иқтисодий-маънавий ривожланиш муаммолари ниҳоятда мураккаб ва кескин тус олди. Республикамиз келажаги, халқ тақдири — ҳар бир киши, унинг оиласи турмушининг, келажак авлод ҳаётининг тўкислиги, тинчосойишталиги бу муаммоларнинг изчиллик билан ҳал этилишига боғлиқдир. Олдимизда турган мана шу ва бошқа бир қатор долзарб масалаларни тубдан ҳал этишда Президент лавозими янги имконият ва истиқболлар очади.

Жумҳуриятимизда ҳам бутун мамлакатимизда бўлгани каби халқ манфаатига узоқ йиллар ётсираш билан қаралиб, унга фақат давлат манфаати нуқтаи назари орқалигина ёндашиб келинди. Ниманки ютуқларга эришаётган бўлсак, у аввало ўзимизга хизмат қилиши лозимлиги, планлар ҳам, улкан яратувчилик меҳнати ҳам, инсоннинг инсондек яшаши, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжига хизмат қилиши кераклиги унутилди. Кишиларнинг қонуний манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқи, эркинлиги поймол этилгани ҳақида ўтмишдан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Баъзан давлат манфаатини ҳимоя этиш ниқоби билан ўзбошимчаликлар қилинди, инсон ҳақ-ҳуқуқларига зид ҳолатлар рўй беришига йўл қўйилди. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия қайта қуриш ташаббуси билан чиқар экан, умумхалқ манфаатлари билан сиғишмайдиган ёндашувларни рад этди.

Сессия давомида халқ манфаати, ташвиши, орзу-армонлари биринчи планга қўйилганлиги характерлидир. Жумҳуриятимиз Президентининг ҳам, Министрлар Совети Раисининг ҳам нутқ ва маърузаларида ўлкамизда яшовчи ҳамма миллат ва халқлар тақдири, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш учун ғамхўрлик кўрсатиш зарурати алоҳида кўрсатиб ўтилди. «Меҳнаткашларнинг, аҳолининг ҳамма табақалари фаровонлигини ошириш, одамларнинг талаб эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани тез суръатлар билан ривожлантириш, республиканинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидан, шахсан мендан... доимо эътибор талаб қиладиган вазифадир» деб таъкидланди И. А. Каримовнинг сессиядаги нутқида.

Турли доирадаги йиғинларда турмуш даражамизнинг пастлиги қайта-қайта таъкидланмоқда. Жумҳуриятимиз жон бошига даромад, озиқ-овқат ва ҳар кунлик эҳтиёж моллари истеъмол қилиш, уй-жой, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, савдо, социал-маиший ва маданий тармоқлар бўйича Иттифоқимизда охирги ўринларда турибди. Қулай иқлим шароитлари ва ноёб табиий бойликларга эга бўлган ўлкамизда бу аҳвол қониқарлими? Ундан халос бўлишнинг қандай имкониятлари бор? Халқ депутатлари ҳукуматнинг келгуси фаолият программаси тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон ССР иқтисодий мустақиллигини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ҳақидаги маърузаларида ана шу масалаларни чуқур таҳлил этдилар. Министрлар Советининг Раслиги учун биринчи марта муқобил номзодлар тавсия этилди. Республика ҳукумати аъзолари илк бор сессияда чинакам имтиҳондан ўтдилар. Энг муҳими, депутатлар ҳозирги аҳволни яхшилаш, иқтисодиётимизни тараққиёт йўлига олиб чиқиш, ҳуқуқ-тартибот органлари ишини юксак талаблар даражасига кўтариш, жойларда соғлом маънавий муҳит яратиш йўлида собитқадам иш олиб борилишига эътиборни қаратдилар. Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, ҳарбий қисмлардаги маънавий муҳит ҳақида қизғин фикр-мулоҳазалар айтилди. Депутатлар ўз округларида мулоҳаза юритиб, кўпчилик эътиборини зудлик билан ечилиши лозим бўлган ишларга қаратдилар.

Жумҳуриятимизда кун тартибида турган масалалар кўп. Халқимизнинг асосий қисми тобора қашшоқлашиб бормоқда. Аҳолининг социал ҳимояланиш даражаси ниҳоятда паст. Пулнинг қадрсизланиши кучаймоқда. Ишсизлик даражаси баландлигича қолаётир. Фуқароларнинг кўпчилиги энг зарурий ҳаётий неъматлардан маҳрум. Аҳолининг аксарият қисмини ташкил этувчи ва катта миллий даромад яратувчи қишлоқ кишилари ўта қашшоқ даражада яшамоқда. Шу аснода пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархини тезроқ ошириш ҳақида такрор ва такрор мулоҳазалар айтилди. Республика Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастури бўйича қатъият билан иш олиб борилаётгани мамнуният билан таъкидлаб ўтилди.

Шубҳасиз, кейинги вақтда халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш партия ва ҳукуматимиз фаолиятининг мазмунини ташкил этмоқда. Бу борада дастлабки эришилган натижалар бор. Сессияда шу йўналиш бўйича келгусида қилинадиган ишлар устида алоҳида тўхталиб ўтилгани бежиз эмас. Шаҳар ва қишлоқларни газлаштириш ва ичимлик сув билан таъминлашни тезлаштириш, уй-жой қурилиши кўламини ошириш, қаҳрамон оналарга бериладиган нафақаларни кўпайтириш вазифалари навбат кутиб турибди. Албатта, депутатлар ана шундай аниқ ҳисоб-китоб, конкрет мисолларга таяниб қилинган маърузаларни қониқиш ва маъқуллаб кутиб олдилар. Зотан, давлат кишиларга баҳо беришда улар айтган ваъдаларга эмас, рўёбга чиқарилган амалий ишларга қараб фикр юритилади.

Сессиядаги эътиборга молик ишлардан бири Ўзбекистон ССР Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш киритилганлигидир. Асосий Қонуннинг 6-моддасида республика Компартияси бошқа снёсий партиялар, шунингдек, касаба союз, ёшлар ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ҳаракатлар халқ депутатларига сайланган ўз вакиллари орқали ҳамда бошқа шаклларда Совет давлатининг снёсатини амалга ошириш, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда қатнашадилар, деб ёзиб қўйишга келишилди. Лойиҳанинг 7-моддасида эса барча снёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатлар Ўзбекистон ССР Конституцияси ва совет қонунлари доирасида иш олиб боришлари айтилди. Ўзгартишлар мазмуни СССР халқ депутатлари Съездида билдирилган фикрга мос келади. Ўзбекистон ССР гимнига муносабат билдирилди.

Ўз-ўзидан равшанки, келгусида Коммунистик партия янги шароитда иш олиб боради. Бу ҳар бир коммунистдан юксак номга муносиб бўлишни, зиммадаги масъулиятни чуқур тушунган ҳолда ҳаракат қилишни талаб этади. Айни пайтда Совет Конституцион тузумини ва социалистик давлатнинг яхлитлигини зўрлик йўли билан ўзгартиришни, унинг хавфсизлигини путурдан кетказишни, социал, миллий ва диний нифоқни авж олдиришни мақсад қилиб қўйган партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатларнинг тузилиши ва фаолиятига йўл қўйилмаслиги керак.

Албатта, демократия — бебошлик, ошкоралик эса оғизга келганини гапираверишни эмас. Жиноятчиликнинг кўпайиб бораётгани, жамиятга қарши кучларнинг вазиятни кескинлаштиришга уринаётгани, оммавий тартибсизликлар келтириб чиқариш билан асло муроса қилиб бўлмайди. Бундай ҳаракатлар оқибатида қандай фожиалар юз бераётгани, халқ қанчадан-қанча моддий ва маънавий зарар кўраётгани маълум. Шунинг учун ҳам халқимизнинг, барча миллат вакилларининг хоҳиш-иродасига амал қилиб, давлатимиз, жамиятимизнинг снёсий-маънавий асосларига қарши бўлган ҳар қандай уринишларга чек қўйиш, фуқароларнинг ор-номуси ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш муҳим вазифа бўлиб қолаверади. Ўз-ўзидан тушунарлики, бугунги мураккаб ва оғир шароитда барча соғлом кучларни янада жипслаштириш, ҳамжиҳатликка эришиш ниҳоятда муҳимдир.

Қайта қуриш бугун оғир имтиҳондан ўтмоқда. Бўлиб ўтган сессия халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш, унинг истиқболини белгилаш билан бирга, халқ депутатлари бугунги кунинг ўзига хос иқлимий жараёнларини маъқуллаётганликларини кўрсатдилар. Гарчанд сайловчилар ваколат берган кишилар орасида демократияни масъулиятсизлик, эркин фикр билдиришни сафсатабозлик деб тушунаётганлар топилиб турган бўлса ҳам умуман халқимиз, унинг ишончли вакиллари жамиятни янгилаш, демократияни жорий этишга қарши чиқаётганлар йўлини тўсишда ақл-заковат билан иш тута билишларини кўрсатдилар.

Замон ўзгаряпти. Халқимизнинг иродаси ортиб, фикри одиллашиб бормоқда. Снёсий система ислоҳ қилинаётир. Республикамиз меҳнаткашларининг янги ҳокимият органларини қўллаб-қувватлаётганлиги, қайта қуриш давомийлиги кишиларнинг ҳуқуқий қизиқиш ва эркинликларига риоя қилиш кафолатидир. Сессия кенг кўламли масалаларни муҳокама қилди, эртанги кунимиз учун катта вазифалар белгиланди. Келинглар, Олий ҳокимиятимиз белгилаган режаларни амалга оширишда қўлни-қўлга бериб, ғайрат-шижоат кўрсатайлик.

Риштон районидаги «Коммунизм» колхози деҳқонлари 1650 гектар ерга чигит экиб 36 центнердан ҳосил кўтариш нияти билан меҳнат қилишяпти. Сифатли ремонтдан чиқарилган техника чигит экишга шай турипти. Бу ишда хўжалик устахонасининг моҳир слесари Жумабой Ғаниевнинг ҳиссаси катта бўлди.

Суратда: Жумабой Ғаниев.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

БАРАКА УРУҒИ ҚАДАЛМОҚДА

Айни кунларда жумҳуриятимизнинг жанубий вилоятлари пахтакорлари ерга чигит қадашни авж олдирмоқдалар.

Ангор районидаги «Толлимарон» совхозида ҳам бу иш намунали йўлга қўйилди. Барча техника воситалари мавсумга пухта шайланганлиги қўл келди. Экин майдонлари ҳам яхши тайёрланди. Шунинг учун ҳам механизаторлар чигит экишга дадил киришдилар.

Хўжалик далаларига анча синашта бўлиб қолган ингичка толали «Термиз—1б» ва ўрта толали «Ф—133» навли чигитлар экилмоқда. Сеялкалар тинимсиз ишлаб турибди. Жума Хидиров бошлиқ бригада деҳқонлари хўжаликда биринчи бўлиб барака уруғи қадашга киришишган эди. Энди бу иш оммавий равишда давом эттирилмоқда. Ж. Қувватов, О. Маҳмадиёров, С. Туропов, Ш. Эгамбердиев бошлиқ бригадалар далаларида ҳам чигит экиш қизғин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

4 апрель куни КПСС Марказий Комитетининг секретарлари Латвия Компартияси Марказий Комитетининг Бюро аъзолари ва аъзолигига номзодлар билан учрашдилар. Учрашувда республика Компартиясининг бўлажак XXV съезди билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Рўй-рост фикрлашув давомида Латвия ССРдаги вазият мураккаб ва зиддиятли бўлиб турганлиги, йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилиш йўллари қийинчилик билан изланаётганлиги қайд этилди. Шу муносабат билан Латвия суверенитетини мустаҳкамлаш ва ижтимоий-снёсий турмушда Компартиянинг ролини ошириш масалалари хусусида айниқса ўткир мунозаралар давом этмоқда.

Латвия Компартияси XXV съездининг асосий вазифаси амалий ҳаракат дастурини ишлаб чиқишдан ва шу дастур асосида республика, унинг халқи тақдирини ҳақиқатан ҳам азиз билувчи барча кучларнинг бирлигига ва жипслигига эришишдан иборат эканлигини учрашув қатнашчилари таъкидлаб ўтдилар.

Учрашувда М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

(ТАСС).

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАММОЛАРИ— ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган журналистлар билан суҳбат соғлиқни сақлаш муаммоларига бағишланди. Республика Соғлиқни сақлаш министрлигининг раҳбарлари журналистларнинг жуда кўп саволларига жавоб қайтардилар.

Журналистлар билан суҳбатда тиббий муассасаларнинг моддий-техника базаси замонавий талабларга мос эмаслиги, кадрлар, юқори малакали мутахассислар етишмаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Буларнинг ҳаммаси аҳолига тиббий хизмат кўрсатишга таъсир этмоқда. Болалар ўлими, юқумли ва бошқа касалликларнинг тарқалиши юқори даражада қолмоқда. Тармоқ раҳбарлари ана шу муаммоларни ҳал этиш режалари ҳақида сўзлаб бердилар.

(ЎзТАГ).

СССР Олий Советининг қарори

«ГРАЖДАНЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИГИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛГАНЛИК ВА ССР ИТТИФОҚИ ТЕРРИТОРИЯСИНИНГ БИРЛИГИНИ ЗЎРЛИК БИЛАН БУЗГАНЛИК УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. Гражданларнинг миллий тенг ҳуқуқлилигига тажовуз қилганлик ва ССР Иттифоқи территориясининг бирлигини зўрлик билан бузганлик учун масъулиятни кучайтириш тўғрисида»ги СССР Қонуни матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киритилсин.

2. Иттифоқдош республикаларнинг Олий Советларига иттифоқдош республикаларнинг қонунларини «Гражданларнинг миллий тенг ҳуқуқлилигига тажовуз қилганлик ва ССР Иттифоқи территориясининг бирлигини зўрлик билан бузганлик учун масъулиятни кучайтириш тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ ҳолга келтириш тавсия этилсин.

СССР Олий Советининг Раиси А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 2 апрель.

Область партия комитетларининг пленумлари

Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети 1990 йил февраль ва март Пленумларининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIX пленумининг якунларини муҳокама қилдилар. Область партия ташкилотининг коммунистлар бўлажак анжуманига тайёргарлик соҳасидаги вазифалари белгилаб олинди.

Пленумда XXIV Тошкент область партия конференциясини чақириш тўғрисида, шунингдек, область партия конференциясига, Ўзбекистон Компартияси XXII съездига ва КПСС XXVIII съезднга делегатлар сайлаш тартиби тўғрисида қарор қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. А. Попов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасулов нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

* * *

ТЕРМИЗ, 5 апрель. (ЎзТАГ). Бугун Сурхондарё область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми, Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси якунларини муҳокама қилдилар. КПСС XXVIII съездига ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездига тайёргарлик юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари белгилаб олинди.

Область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Э. Бердиев доклад қилди.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. П. Ш. Шаметов Сурхондарё область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари этиб сайланганлиги муносабати билан область партия комитетининг секретари вазифасидан озод этилди. Олтинсой район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган А. Э. Тўрақулов яширин овоз бериш йўли билан Сурхондарё область партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси этиб сайланди.

• Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ҚАНДАЙ ТУШУНМОҚ КЕРАК?

Қўриқ Баҳористон районидаги 35-совхоз бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида демократия ва ошкоралик руҳи яққол сезилиб турди. Бошланғич партия ташкилотининг секретари М. Исмоилов қилган ҳисобот маърузасида ва музокарада қатнашган коммунистларнинг сўзларида ютуқлардан кўра кўпроқ камчиликлар ҳақида фикр юритилди. Коммунистлар ва партиясизлар ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечимига алоҳида эътибор бердилар. Хилмахил фикрлар, турлича қарашлар рўй-рост ва дадил баён этилди.

Совхоз бошланғич партия ташкилотига 32 нафар КПСС аъзоси ва икки нафар партия аъзолигига номзод уюшган. Улар хўжаликни социал ривожлантиришга муайян даражада ҳисса қўшиб келмоқда. Коммунистлар бош-қош бўлган участкаларда сезиларли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Айниқса, Н. Қўзиев, Ҳ. Беккаев, Т. Жумаева, О. Худойбердиев, С. Чўлиев, Ш. Бекмуродов каби коммунистлар бошлиқ бригада, звенолар ўтган йили оилавий ва коллектив пудрат асосида ишлаб, пахта тайёрлаш планларини ошириб бажардилар.

Аммо хўжалик ишлаб чиқариши бир маромда ривожланяпти, деб бўлмайди. Айрим соҳаларда қолоқликка йўл қўйилмоқда. Жумладан, ўтган йили сабзавот маҳсулотлари, гўшт, сут ва тухум тайёрлаш планлари бажарилмай қолди. Натижада баъзи маҳсулотларнинг таннархи қимматлашиб кетди. Хўш, бунинг сабаби нимада? Авваламбор айрим раҳбар кадрлар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларга сидқидилдан ёндашмадилар. Қоларверса, топширилган ишга масъулиятсизлик билан қараш, партиявий интизомни бузиш, сўз ва иш бирлигини таъминламаслик ҳам ана шундай натижага олиб келди. Совхоз экономикасини ривожлантиришга бир томонлама ёндашиш меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини оширишга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Кейинги пайтларда катта-кичик йиғинларда аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш масалалари кўндаланг қўйилишига қарамай, бу муаммолар ҳозиргача ўз ечимини тополмади. Чўлқуварларга алоқа ва транспорт хизмати кўрсатиш талабга жавоб бермайди.

Совхоз партия ташкилоти коммунистларнинг ғоявий-сиёсий тарбиясига жиддий эътибор бермаяпти. Партия сиёсий ва иқтисодий ўқувларини ташкил этишда расмиятчиликка йўл қўйилмоқда. Хотин-қизлар кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотларининг фаолияти мавсумий тус олаётир.

Партия ташкилоти ҳисобот даврида 44 та масалани очиқ партия йиғилишида ва 23 та масалани бюро мажлисида муҳокама қилиб, қарорлар қабул қилган эди. Аммо кўпдан-кўп қарорлар ва коммунистлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг бажарилиши назоратдан четда қолди. Шунингдек, партия группаларига раҳбарликда ҳам жиддий нуқсонлар мавжуд. Кўпгина партия группалари ва цех ташкилотларида коммунистлар билан етарли равишда иш олиб борилмаяпти.

— Ҳисобот докладида ишимиздаги нуқсонлар атрофлича очиб ташланганлиги қайта қуриш шарофатидир, — деди А. Чўлиев. — Совхоз посёлкаси социал ривожлантиришдан анча орқада қолганлиги рост. Икки қаватли маиший хизмат кўрсатиш уйи қурилганидан бери ёлчитиб ишламади, ҳозир у вайрона ҳолга келиб қолган. «Промжилстрой» трестининг 78-механизациялашган кўчма колоннаси уй-жойларни жуда сифатсиз қурмоқда. Яқинда 110 нафар чўлқуварга томорқа участкаси берилди. Бу яхши. Лекин қурилиш материаллари билан таъминлашни район раҳбарлари ҳам, совхоз раҳбарлари ҳам ўз зиммаларига олмаётганлиги ажабланарли.

— Партия ташкилотимиз коммунистлар билан ишлаш ўрнига кўпинча хўжалик ишлаб чиқариши билан ўралашиб қоляпти, — деди бош экономист С. Ғойибов. — Партия йиғилишлари ўтказилиб, кадрларни танлаш ва тарбиялаш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, қишлоқларни ободонлаштиришга кўмаклашиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиняпти-ю, уларнинг бажарилиши унутиб қўйилмоқда.

— Далада ишлаётган чўлқуварларнинг унумли меҳнат қилиши учун оддий шароитлар ҳам яратилмаяпти, — деди музокарада сўз олган коммунист Ш. Бекмуродов. — Дала шийпонлари — деҳқоннинг «иккинчи уйи» деган дабдабали сўзларни айтамизу, аслида ана шу «иккинчи уй»да яшаш, дам олиш имкони борми-йўқми, бу билан қизиқмаймиз. Ҳолбуки, дала шийпонларимиз қаровсиз, хоналар ремонтталаб. Бунинг устига уларда радио, телевизор, холодильник йўқ, бошқа қулайликлар яратилмаган, сотувчисиз дўконлар ташкил этилмаган. Мана сизга инсон омилига эътибор. Ана шуларнинг оқибатида қўриқ хўжаликда ишчи кучи етишмайди. Юқори ташкилотлар — район, область партия ва совет органлари план бажарилишини талаб қилишади-ю, одамларнинг турмуш шароити билан етарлича шуғулланишмайди.

— Танқидий фикр-мулоҳазаларнинг ҳаммаси тўғри, — деди ҳисобот йиғилишида сўзга чиққан совхоз директори Қ. Аминов. — Партия ташкилотимиз коммунистлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни тубдан кучайтирмоғи, меҳнат аҳлига маданий-маиший шароитлар яратиш ҳақида қайғурмоғи лозим. Афсуски, ҳозирча бу ишлар талаб даражасида эмас, Зеро, одамларнинг эҳтиёжлари ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш — оддий ҳақиқатгина эмас, фаолиятимизнинг бош мезони бўлиши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳисобот-сайлов йиғилиши танқидий руҳда ўтган бўлсада, бироқ коммунистлар жамият ва партия турмушида бугунги кунда рўй бераётган туб ўзгаришлар ҳақида чуқурроқ мулоҳаза юритмадилар, ўз аниқ муносабатларини билдирмадилар. Масалан, на ҳисобот докладини қилган партия комитетининг секретари М. Исмоилов ва на сўзга чиққан бошқа коммунистлар КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари материаллари, партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси, КПСС Устави ва Программаси ҳақида ҳеч қандай фикр-мулоҳаза, таклифлар билдирмадилар. Буни қандай тушунмоқ керак? Партия ташкилоти секретари М. Исмоилов ва партком аъзолари ҳисобот-сайлов йиғилишига бўш тайёргарлик кўрганликлари, район партия комитети вакили С. Фахриев уларга ёрдам бермаганлиги туфайлигина шундай бўлдимикин ёки совхоз коммунистларининг ўзларида ташаббускорлик етишмадими?

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ИХТИРОЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Қўқон вагон депосида ихтирочи ва рационализаторлар ҳаракати кенг йўлга қўйилган. Бу ишда Акрам Турсунов, Валижон Бакиров, Ҳусайн Галимов, Энвер Аппазов сингари новатор ишчилар жонбозлик кўрсатишяпти. Улар қўл меҳнатини енгиллаштириш, барча оғир ишларни механизмлар зиммасига юклаш борасида фойдали рационализаторлик таклифлари киритдилар. Натижада депода ишларнинг анчагина қисми техника воситалари ёрдамида амалга ошириладиган бўлди.

Депо коллективи техника ижодкорлари томонидан кейинги бир йилда жорий қилинган ихтиро ва таклифлардан 37 минг сўмдан зиёд фойда олди. Айни кунларда новатор ишчилар яна янги таклифлар билан чиқишяпти.

М. ЭРГАШЕВ,
Фарғона области.

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Бухоро районидаги «Маданият» колхозида ташкил этилган ёрдамчи хўжалик муваффақиятли ишлаб турибди.

Бу ерда дурадгорлик, пластмасса буюмлари, тикувчилик цехлари кўпдан-кўп буюртмаларни аъло сифат билан бажармоқда. Ҳозирги кунда ана шу цехларда хизмат қилаётган ишчиларнинг сони 200 дан ортиб кетди. Бундан ташқари 70 аёл касаначилик асосида ишлаб аҳолига зарур маҳсулотлар тайёрлаб беряпти. Ҳозир тикувчилик цехининг ўзида 60 дан ортиқ аёл ишлаяпти.

Ёрдамчи хўжалик ҳар йили 200 минг сўмдан ортиқроқ фойда кўраётир. Касаначилик асосида ишлаётган аёлларнинг ўзи бир йилда 60 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб беришга эришмоқдалар.

Суратда: бригада бошлиғи З. Тўраева, тикувчилар Д. Қосимова ва М. Саидовалар иш устида.

В. МОЛГАЧЕВ сурати.

Ўзбекистон комсомолининг 65 йиллигига

МУСТАҚИЛЛИК ТУЙҒУСИ

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ КОТИБИ А. ҚОДИРОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Абдурашид Самадович, Ўзбекистон комсомоли 65 ёшга тўлди. Аввало, унинг тарихи ҳақида нималар дея оласиз?

— 1925 йилнинг 5 апрелида Самарқанд шаҳрида жумҳуриятимизнинг ўша вақтдаги 30 минг комсомол аъзосидан вакил бўлиб келган, ҳал қилувчи овозга эга бўлган 197 нафар, маслаҳат овозига эга бўлган 51 нафар делегат қатнашган I қурултойда Ўзбекистон комсомоли ташкил топгани расман эълон қилинди. Биз ҳозир ана шу санани нишонлаяпмиз. Аммо республикамиз комсомолининг тарихи бу муддат билан чегаралланмайди. Вилоятларимиздаги комсомол тарихини ўрганиш шуни кўрсатдики, масалан, Шаҳрисабз шаҳрида 20-йилда ҳам комсомол ячейкаси, Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ҳудудларида, Фарғона водийсида коммунистик руҳдаги маслакдош ёшларнинг ҳаракатлари, турли уюшмалари мавжуд бўлган. Андижон шаҳрида 1919 йил ўрталарида «Темир тўда», «Ўқувчилар иттифоқи», шунингдек, ишчи ва ўқувчилардан иборат турли уюшмалар актив фаолият кўрсатган. Жумҳуриятимиз комсомоли тарихи Туркистондаги узоқ инқилобий ўтмишга бориб тақалади ва комсомол юзага келганидан то ҳозирга қадар ўз бошидан жуда катта қийинчилик ва фожиаларни кечирган.

— Шундай экан, ўлкамиз комсомоли тарихини ундаги барча «оқ доғлар»ни ҳам ҳисоба олган ҳолда қайта ёзиб чиқиш, ойдинлаштириш вақти келмадимикин?

— Ҳақиқатан ҳам жумҳуриятимиз комсомоли тарихига назар ташласак, у етарли даражада ўрганилмаганлиги, айрим даврлари адолат ва ҳақиқат тарозисига солиб, бутунлай қайта баҳоланиши кераклиги яққол аён бўлади. Ўтган йили биз Ўзбекистон комсомоли тарихи музейини таъмирлаш, қайта тиклаш вақтида ана шундай жиддий муаммога дуч келдик. Комсомол ҳаётининг айниқса 30—40-йиллардаги тарихи жуда номаълум. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг V пленумида (1989 йил) Марказий Комитет аъзолари, комсомол фаоллари, ёш тарихчи олимлардан иборат махсус комиссия тузилди. Мазкур комиссия шахсга сиғиниш йилларида қатағон қилинган комсомол аъзолари, раҳбарлари ва фаолларини сиёсий жиҳатдан оқлаш билан шуғулланади. Менга шу комиссия раислиги вазифаси юклатилган. Биз дастлаб энг фожиали — 1936—1937-йилларнинг комсомол ҳужжатларини синчиклаб ўргандик. Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг 1937 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган, таъбир жоиз бўлса, фожиали пленуми Марказком биринчи котиби Исроил Ортиқов, иккинчи котиб Фёдор Тарасов ва бир гуруҳ бюро аъзоларига, бир қанча вилоят ҳамда шаҳар комсомол комитети раҳбарлари ва фаолларига халқ душмани деган асоссиз айб қўйиб, лавозимларидан бўшатган, комсомол сафидан ўчирган. Кейинчалик улар партия сафларидан ҳам чиқарилиб, аёвсиз қатағон қилинган. Жумҳурият комсомолининг 1937 йилда бўлиб ўтган VIII съезди ҳам бу пленум қарорларини маъқуллаб, Ўзбекистон комсомоли сафида халқ душманлари ниҳоятда кўпайди, деган таҳликали ғояни илгари сурган. Оқибатда шундан кейин ҳам яна кўплаб кадрлар қатағон қилиниб, бу комсомолнинг фаолиятига жиддий путур етказган.

Марказий Комитетнинг ўтган йили бўлган VI пленумида ана шу 1937 йилги фожиали пленум қарорлари бекор қилинди. Қатағон қилинганлар хотирасини абадийлаштириш тадбирлари кўриляпти, «Ўзбекфильм»га Исмоил Ортиқов ва Фёдор Тарасовлар ҳақида ҳикоя қилувчи қисқа метражли фильм тайёрлаш учун буюртма берганмиз. Ҳозир фильм сценарийси ёзиляпти.

Марказий Комитет ҳузурида ёшларнинг мувақкат ижодий жамоаси тузилади. Уларга ўлка комсомоли тарихини бугунги кун нуқтаи назаридан ёндашиб, қайта ёзиб чиқиш, янги очерклар тўплами, янги асарлар тайёрлаш топширилади. Бу ишга истеъдодли ёш тарихчи олимлар жалб этилади. Шунингдек, биз қатағон қилинган ёш ижодкорлар, олимлар тақдири, улар хотирасини абадийлаштириш билан ҳам қизиқяпмиз. Масалан, комсомол аъзоси бўлган оташин шоир Усмон Носир номи ҳам оқланиб, унинг номидаги мукофот таъсис этилди. Бундай мукофот 1991 йилдан бошлаб истеъдодли ёш ижодкорларга берила бошлайди.

— Комсомолга партиявий раҳбарлик сизнингча қандай бўлмоғи керак?

— Зинҳор-базинҳор бундай раҳбарлик маъмурий-буйруқбозлик, кўрсатма беришдан иборат бўлмаслиги керак. Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг яқинда бўлган пленумида ҳам партия ва комсомолнинг ўзаро муносабати ҳақида фикр юритилди. Демократия ва янгиланиш шароитида ёшларимизда ғайрат-шижоат, мустақиллик туйғуси кучайиб бораётгани табиийдир. Бизнингча, партия ва комсомол ғоявий жиҳатдан бир, ташкилий мустақил бўлмоғи лозим. Биз ўз йўналишимизни, мақсад ва режаларимизни республика шароити, хусусиятидан келиб чиқиб, ўзимиз белгилаб олишимиз маъқул бўлади. Партия режалари ва ғояларини амалга ошириш эса комсомол авлгидек билвосита эмас, балки энди бевосита қўшилиши керак. Комсомол ўз органлари қарорлари билан юқори партия ва давлат органларига ўз қатъий таклиф ва мулоҳазаларини, хулосаларини билдиришига кўникишимизга, бунга табиий ҳол, деб қарашимизга тўғри келади.

Партия ташкилотлари комсомолнинг нуқтаи назари билан ҳисоблашиши, унинг таклифлари, фикр-мулоҳазаларини ҳисоба олиши керак. Комсомолнинг сиёсий мустақиллиги ошаётган бир даврда партия билан комсомол ўртасида мунозарали, баҳсли масалалар юзага келиши мумкин. Бу буйруқ билан эмас, балки ўзаро келишиш ва маслаҳатлашиш йўли билан ҳал этилгани маъқулдир. Аммо ҳали кўп жойларда комсомол ташкилотларимиз партия етакчиларининг кўрсатмаларига асосланиб, ўз қатъий нуқтаи назарларини ҳимоя қилмай ва ҳатто белгилаб олмай иш олиб боришяпти. Бу айниқса, ҳозирги шароитда нотўғридир. Партиявий раҳбарликни шундай жўн тушунадиган партия ва комсомол ташкилотлари, етакчилари ҳали кўп. Чинакам мустақилликка эришиш учун ҳали кўп тер тўкишимизга тўғри келади.

— Комсомол фақат социал аҳамиятга молик ишларга дадил бош қўшсагина нуфузи ошиши маълум бўлиб қолди...

— Ҳозир жумҳуриятимизда комсомол комитетлари ҳузурида 20 дан зиёд ташкилий комитетлар, штатлар, ёшлар турар жой комплекслари марказлари тузилган. Улар ку чи билан республикамиз 50 мингга яқин ёш аҳолисининг уй-жой шароитини яхшилаш дастури ишлаб чиқилган. 200 дан зиёд комсомол корхоналари ташкил этилган бўлиб, ўтган йили улар 2 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарди, аҳолига хизмат кўрсатди. Мавжуд 59 та ёшлар илмий-техника ижодкорлиги марказлари эса ўтган йили 29 миллион сўмликка яқин ишни бажарди.

Шунингдек, ёшларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга, уларнинг илмий-техника ижодкорлигини ривожлантириш, илмий-педагогик ташаббусларни амалга ошириш, ёш истеъдодларни излаш ва уларни қўллаб-қувватлаш, маънавий давомийликни таъминлаш, миллий маданиятни тиклаш, ёшлар дам олишини яхшилаш, туризм қамровини кенгайтириш ҳам жумҳурият комсомолининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Ҳозирги қайта қуришда комсомол ҳам жамиятдаги ўз ўрнини топиб олишга, мавқеини аниқлашга қатъий интилмоқда. Замонамиз ёшлари ахлоқи ва маънавиятини шак-шубҳасиз юксалтирмоғимиз, фазилатларини бойитмоғимиз даркор. Шу боис мафкуравий фаолиятимизда олдимизда иккита муҳим вазифа турибди: комсомол ташкилотларимиз аввало ҳар бир йигит ва қизга жамиятдаги ўз муносиб ўрнини топиб олишига яқиндан ёрдам беришга, шунингдек, халқимизга хос барча маънавий қадриятларни қайта тиклашда жонбозлик кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

— Нима учун Ўзбекистон комсомоли съездини ВЛКСМ съездидан кейин ўтказишга қарор қилинди. Буни эҳтиёткорлик деб тушуниш керакми?

— Республика комсомоли Марказий Комитетининг шу йил март ойида бўлган VII пленуми съездни қайси муддатда ўтказиш масаласини ҳам кўриб чиқди. ВЛКСМ XXI съездига сайланган 172 нафар делегат ҳам ана шу кенгайтирилган пленумда қатнашди. Биз XXI съездга нисбатан нуқтаи назаримиз, ёндашувимизни аниқ белгилаб олдик. Ўзбекистон комсомоли қаётга реал қараб қадам ташлаш тарафдоридир. ВЛКСМнинг XXI съезди ўтиши биланоқ биз навбатдаги пленумни чақириб, Ўзбекистон комсомоли съездида муҳокама қилинадиган масалаларни кўриб чиқамиз, бу бизга келажак вазифаларимизни равшанроқ белгилаб олиш имконини беради.

— Литва комсомолига муносабатингиз қандай? Ўзбекистон комсомоли мустақиллигини қандай тушунасиз?

— Литва комсомоли ўз уюшмаси номини ўзгартириш масаласини кўтарган. Уни Либерал ёшлар иттифоқи ёки шунга ўхшаш номлар билан аташ тарафдори бўляпти. Менимча, ҳар бир жумҳурият комсомол ташкилоти ўз келажаги ва тақдирини ўзи ҳал этиши керак. Бунинг маъноси чуқур. Комсомол ташкилоти тақдирини ташкилотнинг раҳбарлари эмас, балки барча комсомол аъзолари ҳал қилиши лозим. Бирор ғояни тарғиб қилиш, бирор ишни амалга ошириш ва олға қадам ташлаш пировард мақсадга хизмат қилиши тўғри бўлади. Литва комсомоли ўз ташкилотининг обрўсини оширишни бевосита ВЛКСМдан ажралиб чиқиш билан боғламоқда. Бундай ажралиш тўғри бўлса, ҳар қандай ташкилотнинг обрўси ошишига, аъзоларининг сони кўпайишига олиб бориши керак. Литва комсомолининг сони эса кейинги пайтда тўрт-беш баробар камайган. Демак, Литва комсомоли қабул қилган қарор кўпчиликнинг манфаатларини ифода этмаган бўлиб чиқяпти.

Ўзбекистон комсомолига келсак, у ВЛКСМ таркибида федерация асосида мустақил ташкилот бўлишининг тарафдоримиз. Биз Ўзбекистон комсомолининг ўз Устави ва Ҳаракат дастурини ишлаб чиқишимиз ва тасдиқлашимиз керак. Комсомол ташкилотининг таркибий тузилишини аниқлаш, раҳбар органларини сайлаш, ўз бюджетини белгилаш, комсомолларнинг ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш мустақилликнинг асосий белгиларидир. ВЛКСМ эса Иттифоқ миқёсида комсомолнинг сиёсий ҳаракат йўналишини аниқлаш, жумҳурият комсомол ташкилотларининг ишларини мувофиқлаштириб туриш, СССР давлат ва партия органларига ёшлар ҳаётига доир ташаббуслар билан чиқиш каби катта масалаларни бажариши керак бўлади.

— 2000 йилда Ўзбекистон комсомолини қандай тасаввур этасиз?

— Назаримда, ўша даврда комсомолдан ташқари бошқа кўплаб ёшлар ташкилотлари ҳам пайдо бўлади. Комсомол ана шундай ташкилотлар орасида ўз мавқеини сақлаб қолиши, жамиятдаги ўз ролини бажариши керак. Шундай қилишга комсомолнинг кучи етади. Чунки унинг бой анъаналари, катта тажрибаси бор. Янгиланиш туфайли комсомолга келадиган янги раҳбарият бизнинг ишларимизни давом эттиради, унга янги мазмун бахш этади, деб умид қиламан. Ҳозирги раҳбарият ва фаолларнинг асосий вазифаси эса турғунлик даври хато ва камчиликларини тугатиб, келажакдаги авлод фаолиятига мустаҳкам пойдевор яратиб беришдан иборатдир. Шуни муносиб тарзда бажара олсак, комсомолдаги ҳозирги фаолиятимиз, ишларимиз зое кетмаган бўлади.

Суҳбатни «Совет Ўзбекистони» махсус мухбири О. НАЗАРОВ олиб борди.

АЛОҲИДА КИТОБЧА ҚИЛИБ ЧИҚАРИЛДИ

«Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Устави. Лойиҳа» номли алоҳида китобча босилиб чиқди.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарган ва у «Красний пролетарий» босмахонасида чоп этилган.

(ТАСС).

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛАР ФЕДЕРАЦИЯСИ САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

ТАССНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИ КРЕМЛДАН ХАБАР БЕРАДИЛАР

Уч кун мобайнида қабул қилинган тўртта қонун парламентимиз ишининг самараси оз бўляпти, деб шу кунга қадар афсусланаётганларга етарлича ишончли жавоб бўлди. Хафта мобайнида маъқулланган ҳужжатларнинг бирортасини ҳам пала-партиш ҳужжат деб аташ мумкин эмас. 4 апрель куни депутатлар диққат марказида бўлган ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг асосий иқтисодий муносабатлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси энг батафсил ишлаб чиқилган ҳужжат бўлди.

Яна алоҳида-алоҳида мажлис ўтказаётган палаталар олдиндан таниш лойиҳа (лойиҳа муҳокамаси бултур кузда бошланган эди) ҳал қилувчи муҳокама олдидан парламентнинг бешта комитети ва комиссияси машақатли иш олиб борганлиги туфайли таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Қонун лойиҳасининг номи ўзгарганлигига қараб ҳам у батафсил ва чуқур қайта ишлаб чиқилган дейиш мумкин (ҳужжатнинг аввалги номи «Иттифоқдош ва автоном республикалар иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасига раҳбарликнинг умумий асослари тўғрисидаги СССР қонуни лойиҳаси» деб аталган эди). Ҳуқуқий ҳужжатнинг янги таҳрири иттифоқдош ва автоном республикаларнинг молиявий соҳадаги, солиқ солиш, инвестиция сиёсатидаги, табиатдан фойдаланишдаги ваколатларини анча кенгайтиради. Улар мустақил равишда ташқи иқтисодий фаолият юритишлари, планлаштиришлари, бюджетни тузишлари, республикаларнинг манфаатлари бузилган ҳолларда ҳатто Иттифоқ ташкилотларининг қарорларини тўхтатиб қўйишлари ҳам мумкин.

Хўжалик фаолияти ва умумиттифоқ бозори амал қилишининг ягона қонуний асосларини белгилаш, СССРда солиқ системасини ташкил этиш, нарх белгилаш умумий сиёсатини амалга ошириш, молия-кредит системаси ва ягона пул муомаласини ташкил этиш, ягона транспорт ва энергетика системасини бошқариш ва бошқа бир қанча ишлар Иттифоқ тасарруфида бўлади.

Ҳар томонлама қайта ишлаб чиқилган лойиҳа барибир зиддиятларни ва ҳатто кескин фикрларни келтириб чиқарди. Мунозарада иштирок этаётган депутатларнинг умуман маъқулловчи нуқталари орасида депутат В. С. Адвадзенинг фикри кескин қарама-қарши бўлиб янгради. У қабул қилинаётган қонуннинг келажаги нохуш деб башорат қилиб, хусусан, бундай ҳужжатлар Совет Иттифоқининг парчаланиб кетишига олиб борадиган тенденцияни кучайтиради холос, деб таъкидлади ва лойиҳани «илгаригидек маслюковча лойиҳа» деб таърифлади. Депутат А. Г. Чехоев ҳам қонун лойиҳаси хусусида алоҳида фикрни билдириб, ҳужжат бу кўринишда автоном областлар ва округларнинг тақдирини ўзгартиришга қодир эмас деди. Унинг фикрича, бу тузилмалар ҳамон бирор-бир жиддий иқтисодий ваколатга эга эмаслар.

Иккала палатада ҳужжатнинг ҳар бир моддасини тасдиқлашга яна мажлисларга қатнамаслик каби мутлақо нохуш омил таъсир қилди. Илгари ҳам кўпинча шундай бўлган эди. Миллатлар Советида ҳам, Иттифоқ Советида ҳам овоз беришда 180 нафардан сал кўпроқ киши (кворумга аранг етади) қатнашди. Натижада кўпгина муҳим ва ҳозир бўлганларнинг аксарияти қўллаб-қувватлаган тузатишлар овозларнинг етишмаслиги туфайли тасдиқланмади. Депутат Н. Ф. Фёдоровнинг ижроия ҳокимият органларининг қонуний фаолиятига қарши қаратилган принципиал таклифларининг «омади келди». Тузатишга керакли миқдорда — 1? овоз берилиб, келгуси йил 1 январдан кучга кирадиган қонунни амалда жорий этиш тўғрисидаги қарорга шу кундан эътиборан ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг иқтисодий муносабатлари асослари тўғрисидаги қонунга мувофиқ бўлмаган барча ҳукумат норматив актлари амал қилмаслигини билдирувчи ёзув пайдо бўлди. Депутат А. В. Яблоковнинг Иттифоқ бошқарув органларининг иттифоқдош ёки автоном республика билан келишилмай қабул қилинган ва унга зарар етказган қарорлари амалга оширилган тақдирда Иттифоқ органларининг масъулияти тўғрисидаги тузатиш ҳам қабул қилинди.

Иттифоқ Совети аъзолари бир бир қанча тузатишларни қабул қилдилар. Бу тузатишлардан мақсад муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаси қоидаларини илгари қабул қилинган ва охирги босқичда турган ҳуқуқий ҳужжатлар билан янада чамбарчас боғлашдан иборат. Энди ҳар иккала палата вакилларидан иборат келиштирувчи комиссия ҳужжатнинг охирги матнини узил-кесил ишлаб чиқиши керак бўлади.

Сессия қатнашчилари ўз ишларини пайшанба куни СССР Олий Советининг доимий комитетлари ва комиссиялари мажлисларида давом эттирадилар.

А. ПЕТРОВСКИЙ
В. ШИШЛИН.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

3 апрель куни СССР Министрлар Совети Президиуми кооперативларнинг ташқи иқтисодий фаолияти масаласини кўриб чиқди. Мажлисга СССР министрлари, марказий иқтисодий идораларнинг раҳбарлари, шунингдек, кооперативлар ва улар уюшмаларининг вакиллари таклиф этилди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Совети давлат ташқи иқтисодий комиссиясининг раиси С. А. Ситарян ташқи бозордаги операцияларни амалга ошираётган кооперативлар иши натижалари тўғрисида доклад қилди.

У ташқи иқтисодий фаолиятнинг янги тартиби жорий этилганидан сўнг ўтган бир йил мобайнида қарийб 2,5 минг кооператив ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчилари сифатида рўйхатга олинганини таъкидлади. Улар чет эл бозорларида ишни фаол авж олдириб, экспорт товарлар излашда ташаббускорлик кўрсатишмоқда.

Шу билан бирга айрим кооперативларнинг фаолиятида камчиликлар ва амалдаги қонунларни бузиш ҳоллари содир бўлмоқда. Ҳукуматнинг топшириғига биноан ўтказилган текшириш шуни кўрсатдики, кооперативлар йўналишига жавоб бермайдиган воситачилик фаолияти устунлик қилаётгани, ташқи бозорда тижорат иши даражаси пастлиги, хўжалик натижаларини ҳисоблаб боришда белгиланган тартиб қўпол равишда бузилаётгани жиддий нуқсондир. Воситачилик фаолияти чайқовчилик билан даромад олиш манбаига айланиб бормоқда.

Кооператив ташкилотлар ва улар уюшмаларининг мажлисида қатнашган вакиллари уларга ташқи бозорда иш кўриш ҳуқуқи берилган вақтдан буён ўтган бир йил мобайнида ўзлари дуч келган қийинчиликлар тўғрисида ахборот бердилар. Улар ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш системасидаги камчиликларга эътиборни қаратдилар, кооперативлар ва давлат учун иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган айрим таклифлар ва битимлар амалга оширилмай қолганлиги ҳақида мисоллар келтирдилар.

Кооперативларнинг вакиллари бевосита мажлиснинг ўзида ўртага ташлаган таклифларнинг айримлари юзасидан уларни янада пухталаштириш хусусида кўрсатмалар берилди.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков бўлиб ўтган муҳокамага якун ясаб, ташқи иқтисодий фаолият олиб боришнинг янги тартиби тобора кўпроқ корхоналарни, давлат ва кооператив ташкилотларини ташқи бозордаги ишга жалб этиш учун, мамлакатнинг экспорт қилиш имкониятларини кўпайтириш учун шароит яратганлигини таъкидлади. Кооперативларнинг ўтган йилги ташқи иқтисодий фаолияти таҳлили унинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларини очиб бермоқда, кўпгина тартибга солинмаган масалалар борлигини кўрсатмоқда, амалдаги қонуннинг бир қанча қоидалари тузатиш ва такомиллаштиришга муҳтож, бунинг натижасида давлат корхоналарида ҳам, кооператив корхоналарда ҳам қўпол қонунбузарликлар содир этилди.

СССР Министрлар Советининг Раиси кооперативларнинг ташқи иқтисодий фаолияти кооператив ҳаракатининг катта имкониятларидан далолат бераётганини уқтириб, бозор хўжалиги асосларини мустаҳкамлаш турли шаклдаги мулк корхоналари учун бир хилдаги хўжалик қонунларини, молиявий интизомнинг кучайтирилишини, ҳисоб беришнинг йўлга қўйилишини, божхона хизмати ва бозорни тартибга солиб турувчи бошқа давлат структураларининг мустаҳкамланишини талаб қилишини таъкидлади. У кооперативлар катта роль ўйнаши лозим бўлган ташқи иқтисодий фаолиятни янада ривожлантириш иқтисодий ислоҳотни радикаллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири бўлишини таъкидлади.

СССР Министрлар Советининг Президиуми ташқи иқтисодий фаолият, божхона хизматини мустаҳкамлаш, экспорт-импорт операцияларига рухсат бериш системасини такомиллаштириш, СССР Ташқи иқтисодий алоқалар министрлигининг ташқи иқтисодий сиёсатни ўтказишдаги ролини ошириш масалалари юзасидан амалдаги қонунларга зарур ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни қисқа муддат ичида тайёрлашни топширди. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи янги қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашни тезлаштириш, ахборот иши ва кадрлар билан ишлашни яхшилаш зарур деб топилди. **(ТАСС).**

СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг қарори

ИТТИФОҚ СОВЕТИНИНГ РАИСИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Иттифоқ Совети **қарор қилади:**

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан сайланган СССР халқ депутати Иван Дмитриевич **Лаптев** Иттифоқ Советининг Раиси қилиб сайлансин.

Иттифоқ Совети Раисининг ўринбосари
А.МОКАНУ.

Москва, Кремль. 1990 йил 3 апрель.

Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги олдидан

«ЎЗИМ УЧУН ВА ЎША ЙИГИТ УЧУН»

«Ташсельмаш» ўзининг пахта териш машиналари билан бутун дунёга маълум ва машҳур завод. Бу ерда корхона тарихини яхши билишади ва унинг анъаналарини изчиллик билан давом эттиришмоқда. Ҳа, эсласа, ардоқласа арзийдиган нарсалар кўп. Унинг корхона тарихидан ўчмас жой олган жанговар саҳифаларини олиб кўрайлик. Завод худудига кираверишда мемориал ёдгорлик ўрнатилган. Унга Улуғ Ватан урушида мамлакат тақдири учун жангларда қурбон бўлган корхонанинг 78 нафар ишчиси исм-шарифи ўйиб ёзилган. Фронт ичкарисида туриб ғалабага замин тайёрлаганлар хотираси учун эса миномётлар қўйилган.

Корхона қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришдан ҳарбий маҳсулотлар тайёрлашга жуда тез кўчди. Бу ерда 1941 йил 24 июндаёқ 82 миллиметрли миномётлар учун миналарнинг дастлабки тўпи ишлаб чиқарилди. Орадан кўп ўтмай мамлакат ғарбий районларидан кўчирилаётган завод ва фабрикаларнинг асбоб-ускуналари ортилган эшелонлар кетма-кет кела бошлади. «Ташсельмаш»дагилар Ленингарддаги К. Маркс номли ҳамда Климов тўқимачилик машинсозлиги заводларининг материалларини, техника воситаларини, асбоб-ускунларини, шунингдек, ишчи кадрлари ва мутахассисларини қабул қилиб олишди.

Цехларни қайта жиҳозлаш, янги технология линияларини монтажлаш ишлари бир соат бўлсада тўхтагани йўқ. 1941 йил августида ҳарбий мутахассис бошчилигида махсус конструкторлик бюроси ташкил этилди. Бир ой ўтгач эса корхона программасига киритилган қуроллароғлар ва ўқ-дорилар ишлаб чиқаришни тайёрловчи бир нечта инженерлик бўлинмаси вужудга келди.

Жангларда ишдан чиққан танкларни капитал ремонт қилиш Мудофаа давлат комитетининг энг муҳим топшириқларидан бири эди. Буни йўлга қўйиш учун кеча-ю кундуз ишлашни ташкил этиш зарур эди. Корхона меҳнатчилари тўйиб овқатланмасаларда, қониқиб ухламасаларда, ягона мақсад — «Ҳамма нарса фронт учун! Ҳамма нарса ғалаба учун!» шиори остида чинакамига қаҳрамонлик намунасини кўрсатиб ишладилар. Ишчилар орасида 13—15 ёшли ўсмирлар, хотин-қизлар ва кексалар борлигини ҳисобга олсак, бу меҳнат қанчалик машаққатли ва айни пайтда зафарли бўлганлигини ҳис этасан киши. Улар фронтга кетган оталари, эрлари ва акалари ўрнини мардона босдилар.

Корхона барча куч ва воситаларни фронт учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга сафарбар этиш билан бирга пахта териш машиналари ва культиваторлар учун эҳтиёт қисмлар тайёрлашни унутмади. Ишчилар жумҳуриятдаги пахта тозалаш ва ёғ заводлари фаолиятини қўллаб-қувватлаб турдилар. Уларга жин ва линтер аррали ва ғилдиракларини ўз вақтида етказиб бердилар.

Уруш йилларидаги иш натижаларига кўра, корхона меҳнатчиларидан 90 киши орденлар билан мукофотланди. 5827 киши эса «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланди.

Корхона ёшлари буларнинг ҳаммаси тўғрисида ветеранлар ҳикоясидан, шунингдек заводнинг жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати музейига қўйилган стендлардан билиб олишмоқда. Шуниси қувончлики, ветеранлар билан алоқа кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётир. Сиз улардан бир гуруҳини корхона мемориали ёнида кўриб турибсиз (Биринчи сурат). Уларнинг ҳаёт йўли, меҳнат тажрибаси, унутилмас йиллар тўғрисидаги ҳикоялари ёшлар учун ибратлидир. Завод йигит ва қизлари эса уларнинг анъаналарини ривожлантириб, кўпайтириб бормоқдалар. Иккинчи суратда уруш йилларида 70 та комсомол-ёшлар бригадасига «Фронт» ҳамда 20 та бригадага «Гвардиячи» коллективлар номи берилганлиги сўзланади. Ҳозир ҳам комсомол-ёшлар бригадаларида ўша даврга хос жўшқинлик, ишга чанқоқлик, зардор суръат мавжуд. Учинчи суратда назоратчи-синовчи Игорь Фокин (чапда) билан участка мастери Неъмат Аҳмаджонов тасвирланган. Улар конвейернинг бир маромда ишлашини йўлга қўйганлардан мамнундирлар.

Б. ЮСУПОВ (ЎзТАГ) олган суратлар.

БОШИ БЕРК КЎЧАДА

4 АПРЕЛДАН БОШЛАБ МЕТРОПОЛИТЕННИНГ «ТОШКЕНТ» БЕКАТИДАН «ЧҚАЛОВ» БЕКАТИ ОРАЛИҒИДАГИ ЙЎЛ ЁПИБ ҚЎЙИЛДИ

Бунинг сабаби ўша-ўша — ўтган йил куз фаслида тоннелда газлар пайдо бўлаётганлиги, экологик муҳит бузилганлиги сабабли ана шу йўл ёпиб қўйилган эди.

Ўзбекистон ахборот агентлиги ўшанда кўрилган шошилинч тадбирлар натижасида вазиятни нормаллаштиришга муваффақ бўлинганлиги ҳақида хабар берганди. Лекин март ойининг ўрталаридан аҳвол яна кескинлашди. Машинистлар, бекат ходимлари, йўловчилар қандай заҳарли моддалар ва микроорганизмлардан нафас олишларига тўғри келаётганлигини ҳануз ҳеч ким билмайди. 26 мартдан бери метрополитеннинг 15 ходими заҳарланиб, касалхоналарга юборилди. Ой давомида метрополитеннинг 66 нафар ходими шу сабаб билан шифокорларга мурожаат қилди. Электровоз хонасининг бевосита ўзида машинистлар ҳушидан кетган вақтлар ҳам бўлди. Уларнинг қонида ис гази борлиги аниқланди. Лекин одамлар ўзини ёмон ҳис этаётганлигининг сабаби фақат шундамикин? Шифокорлар бу саволга жавоб бера олмаяптилар, чунки касалликнинг келиб чиқиш сабаби маълум эмас.

Тошкент метрополитени 2 апрелда темир йўл санитария-эпидемиология станциясининг ташаббуси билан шу икки бекат оралиғидаги йўлни ёпиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундай фавқулодда тадбир кўрилишига СССР Темирйўллар министрлигининг розилиги олинди.

Тошкент метрополитени бошлиғи А. Миржалиловнинг хабар қилишича, темирйўлчилар экологик муҳитнинг ёмонлашганлигини ер ости сувлари юзага чиққанлиги билан изоҳламоқдалар. Сувни тортиб оладиган насосларни ишлатишда ҳам камчиликлар бўлди, уларнинг иши неча бор тўхтаб қолди.

Умуман, жумбоқлар кўп. Куз фаслида вазиятни ўрганиш учун тузилган идоралараро комиссия ҳали ўз ишини тугатгани йўқ ва ҳозирча аянчли воқеа сабабларини айтолмаяпти. Кўп тахминлар бўлди, лекин уларнинг бирортаси охирига етказилмади. Бунинг устига, комиссия уч ойдан кўпроқ вақтдан бери бирор марта йиғилиб, маслаҳатлашиб олгани ҳам йўқ.

— Энди метродаги муҳит тўла соғломлаштирилиши учун қанча муддат зарур бўлса, шунча муддатга йўл ёпиб қўйилиши кераклигига ишончимиз комил, — дейди А. Миржалилов.

Н. ШУЛЕПИНА, ЎзТАГ мухбири.

• Тил ҳақидаги Қонун амалда

ҚАЙ ЙЎЛНИ ТУТАЙЛИК

«Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақидаги Қонун» кучга кириши, яъни ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан кўпгина нозирлик, идора ва муассасаларда дарҳол таржимонлик ўринлари жорий қилинди, ушбу идораларда ходимларни ўзбек тилига ўргатиш мақсадида қатор тадбирлар, жумладан, махсус дарслар ташкил қилинди.

Албатта, Ўзбекистон Молия нозирлиги ҳам бу тадбирлардан четда қола олмади. Хўш, ишни нимадан бошлаш керак? Албатта, меҳнаткашлардан келадиган турли шикоят хатларига жавоблар, бевосита нозирлик бўйича қабул қилинадиган қарорлар, хусусан ҳайъат қарорлари, жумҳурият бўйлаб тарқатилиши зарур бўлган турли хизмат хатларини ўзбекчалаштиришдан-да, дейилиши табиий.

Лекин вақтли матбуот, радио, ойнаи жаҳон орқали берилаётган хабарлар, тил ҳақидаги турли маъруза, мақолаларни кўздан кечирар эканмиз, киши ўзини қандайдир боши берк кўчага кириб қолгандек ҳис қилаётир. Бир ерда район—бошқа ерда ноҳия, бир ерда жумҳурият — бошқа ерда республика, хуллас, ўнлаб сўзларини қай тарзда олишни билмай гаранг бўлади киши. Худди, мухтор, жумҳурият, сипоҳ, зотиний, ботиний, мавзе, котиб, фоиз, байналмилал ва бошқа шу каби сўзларнинг қай бир вариантини қўллашимиз керак? Маълумки, тил комиссияси фаол иш олиб бормоқда. Балки вақти келиб бирор тўхтамга келармиз — қай сўзни қай ҳолда олиш лозимлиги ҳақида бирор қатъий кўрсатма бўлар... Балки ҳурматли комиссия ҳайъати тилшунос, адабиётшунос, умуман тил ва адабиётимиз тарихи билан шуғулланувчи олимлар билан бу муаммони ажрим қилларлар... Хўш, унгача бизга ўхшаган таржимонлар қай йўлни тутсинлар?

Тил комиссиясида фаолият кўрсатаётган ўртоқлардан илтимосимиз шуки, тезроқ бирор тўхтамга келиб қай сўзларни қолдириш, қай сўзларни соф ўзбекча талқин қилиш ҳақида муайян фикрларини матбуотда эълон қилсалар.

Р. САИДОВ, ЎзССР Молия вазирлиги таржима бўлимининг бош мутахассиси.

• Янги видеофильм

Саҳна ортида ким бор?

Утган душанба куни Ўзбекистон телевиденесининг кечки программасида кўрсатилган янги ҳужжатли видеофильм одамларни, уларнинг қалбини беихтиёр ларзага келтирди.

...Кадрда қочоқлар лагери. Турк аёли йиғлаяпти: «Ўз тилимда гапирмайман, ўзбек тилида гапираман. Биз, месхети туркларининг бошига тушган кулфат ҳеч кимнинг бошига тушмасин». Чол: «Бизнинг Ватанимиз йўқ. Шунинг учун юз йилдан кейин бўлса ҳам мана шундай бўлиб юрамиз. Бир ҳовуч бўлса ҳам ўз еримиз бўлсин». Меҳнат ветерани: «Қирқ беш йил ўз бағрида сақлаган халқ наҳотки қирқ беш кун сақлай олмайди!»

Ҳа, 1944 йилнинг изғиринли кунларида ўз она ерларидан жудо қилинган месхети туркларини инсонпарвар халқимиз ўзининг иссиқ бағрига олганди. Ўзбеклар ва месхети турклари қариб ярим асрдан буён ака-ука, опа-сингил бўлиб яшаб келишарди. Улар ўртасида дўстлик, иноқлик кучли эди, айирмачилик, сеникименики, деган нарса умуман бўлган эмас. Тўю таъзиялар, байраму тантаналар ҳамнафасликда ўтказиларди. Ҳатто қуда-андачилик расм бўлиб кетган эди.

Кутилмаганда ана шу яқинликка раҳна тушди. Ҳавас қилса арзийдиган дўстликка зил кетди. Иссиқ меҳр-оқибатга совуқ сув сепилди... Олдин Бўкада, кейин Паркентда фожиа юз берди.

Хўш, нега шундай мудҳиш воқеа рўй берди? Қурол ишлатишга ким рухсат берди? Фожиа «сценарийси»ни ёзган ва уни «саҳналаштирган»лар миллат ёки элат эмас, бир гуруҳ ғаламислар эмасмикин?

«Паркент. Фожиа сабоқлари» фильмининг муаллифлари фожиа қандай бошлангани ва давом эттани ҳақида ҳикоя қилар эканлар, биринчи навбатда ана шу саволларга жавоб излайдилар. Бу ишда уларга азият чеккан месхети туркларининг, аянчли воқеаларнинг гувоҳи бўлган паркентликлар, ветеранлар, партия ва совет ходимлари, олим ва ёзувчилар ёрдам берадилар. Кадрларни кузатсангиз, тўлқинланиб сўзлаётган кишиларнинг ҳикояларини тингласангиз, халқ чалғиганлигининг — аниқроғи; уларни қандайдир бадниятли кимсалар алдаганлигининг, воқеаларга район раҳбарларининг баъзилари масъулиятсизлик билан қараганлигининг, ваҳима, мишмишларнинг қули бўлиб қолганлигининг гувоҳи бўласиз. Месхети турклари ҳам ўзбек халқини чуқур ҳурмат-эҳтиром билан «оғамиз» дейди. Уни ёмонламайди, аксинча:

Тушда кўрсак ишонмасдик бу ишни,
Бир неча ғаламис қилди бу ишни,

дейди афсус билан.

Турк шоири Бекзоднинг юқоридаги мисраларида ифоланган фикрни Ўзбекистон ССР халқ шоири, жумҳурият халқ депутати Эркин Воҳидов ҳам тасдиқлайди: Мен Паркентда ғиҳоғарлик бўлган деб ҳисоблайман. Менинг истагим, халқимиз бундай ғиҳоларга учмасин. Митинглардан тийилишга чақираман. Одамларнинг тўпланиши кўпинча йўқотишларга олиб келяпти. Одамлар кўчаларда, майдонларда тўпланмасин. Ҳукуматимизнинг нуфузли комиссияси,соғлом ва адолатли кучлар айбдорларни аниқламагунича, тийилиб туришга чақираман.

Севимли шоиримизнинг бу сўзлари фильмда алоҳида куч бўлиб, ҳушёрликка, ақл-идрокка, биродарликка, меҳр-оқибатга, энг муҳими, инсонпарварликка даъват бўлиб янгради.

Тележурналист А. Турғунов, режиссёр Т. Ҳамидов ва оператор А. Қўчқоров раҳбарлигида яратилган видеофильм энг аввало ана шундай эзгу даъвати билан қимматлидир.

Ю. БЕРДИЕВ.

ИШЧИЛАР ФАРЗАНДЛАРИГА ҒАМХЎРЛИК

— Корхонамиз маъмуриятидан беҳад миннатдорман, — дейди Наманган шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси йигирувчиси Саида Бўтабоева — негаки, уларнинг ғамхўрлиги туфайли тўртта фарзандим эндиликда боғчага бепул қатнайдиган бўлишди.

Дарҳақиқат, бирлашма меҳнат коллективи кенгаши қарори билан тўқимачиларнинг фарзандлари боқчаларда бепул тарбиялана бошлади. Ҳозир бундай имтиёздан 1100 нафар кичкинтойнинг ота-онаси фойдаланяпти.

Корхонада 8 та мактабгача тарбия муассасаси мавжуд бўлиб, ўтган йили уларнинг аҳволини яхшилаш учун бирлашма ижтимоий фондидан 802 минг сўм ажратилди. 1990 йилда бу маблағни янада ошириш кўзда тутилмоқда.

Т. СУЛАЙМОНОВ, «Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

• «Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«Чорвага эътибор суст»

Газетамизнинг 1990 йил 9 январь сонида эълон қилинган «Чорвага эътибор суст» сарлавҳали танқидий мақолада Чортоқ районидаги «Чортоқ» совхозида эътиборсизлик оқибатида ем-хашак тайёрлаш планлари бажарилмаганлиги, ишчиларга шароит яратилмаганлиги, натижада маҳсулот етиштириш камайиб, таннархи қимматлашиб кетаётгани очиб ташланган эди. Мақола юзасидан редакциямизга ЧОРТОҚ РАЙОН ИЖРОИЯ КОМИТЕТИдан расмий жавоб олинди. Унда жумладан, шундай дейилади:

Халқ депутатлари Чортоқ район Совети ижроия комитети таъкидлайдики, мазкур танқидий мақола район агросаноат комбинати кенгашида атрофлича ўрганилиб, муҳокама қилинди. Мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Шунингдек, мақола совхоз дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари умумий йиғилишида ҳам муҳокама этилиб, ишда камчиликларга йўл қўйганлиги учун совхоз бош зоотехниги Б. Жўраев, ветеринария врачи М. Пўлатов, қорамолчилик фермаси бригадири Қ. Исмоилов, ем-хашак омборчиси М. Баннаевга қаттиқ ҳайфсан берилган. Совхоз директори Ҳайдаржон Абдураҳимовнинг фермага раҳбарлик фаолияти Наманган область агросаноат уюшмаси кенгашида муҳокама этилиб, огоҳлантирилган. Унинг 1990 йил биринчи чораги якуни бўйича ўз вазифасида қолиш ёки қолмаслиги масаласи кўрилишига қарор қилинган.

Район агросаноат комбинатининг бош мутахассислари ва совхоз дирекциясининг диққат-эътибори мақолада қайд этилган камчиликларни бартараф этишга қаратилди. Фермада меҳнат интизомини яхшилаш бўйича назорат кучайтирилди. Чорвадорларнинг маданий-маиший шароитлари яхшиланди.

Хўжаликда 1989 йил якуни бўйича давлатга сут сотишдан бошқа барча турдаги чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш планлари ортиги билан уддаланган. Қорамолларнинг бош сони ортиб, маҳсулдорлиги кўпайган.

Совхоз чорвадорлари 1990—95 йилларга мўлжалланган озиқ-овқат программасини ишлаб чиқиб, 1990 йилги план ва мажбуриятларини бажариш чора-тадбирларини кўрмоқдалар. Гўшт, сут, тухум тайёрлаш бўйича шу йил январь ойи плани ошириб адо этилди.

Район Совети ижроия комитети ҳамда район агросаноат комбинати мутахассислари бундан кейин ҳам хўжаликда чорвачилик соҳасида олиб борилаётган ишларни таҳлил этиб, назорат қилиб боради.

КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАГА

ШАНБАЛИК ТАРАДДУДИ

● БУГУН Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг маъмурияти, партия ва касаба уюшмаси ташкилотларининг 21 апрелда бўладиган Коммунистик шанбаликка бағишланган йиғилиши бўлади.

Унда шанбалик куни амалга ошириладиган барча юмушлар режаси ишлаб чиқилади. Дастлабки маълумотларга қараганда, бирлашманинг 2260 ишчи ва хизматчиси бу хайрли тадбирда қатнашмоғи кутилмоқда. Улар шу куни 300 минг сўмлик маҳсулотни тайёрлаб, савдо ташкилотларига юборадилар. Бир неча минг сўмлик иш ҳақи беш йиллик жамғармасига ўтказилди.

АПРЕЛЬ ФЕСТИВАЛИ

● КЕЧА М. Турғунбоева номидаги Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган «Баҳор» халқ рақс ансамблининг коллективи Корея Халқ Демократик Республикасига жўнаб кетди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигидан маълум қилишларича, ўзбек рақсчилари қардош мамлакатда 6 апрелдан бошлаб ўтказиладиган «Апрель баҳори» халқаро санъат фестивалида қатнашадилар. Бу мамлакатга йўл олган санъаткорлар орасида Ўзбекистон ССР халқ артистлари Ҳайрулла Лутфуллаев, Маъмура Эргашева, Қаҳрамон Дадаев, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Гулнора Жўраева, Талъат Сайфиддинов, Светлана Туронова ва бошқалар бор. Ҳаммаси бўлиб 54 киши.

«Баҳор» ансамбли бу халқаро кўрикда ўзбек классик ва замонавий рақсларни ижро этади.

ФРАНЦИЯ КИНОСИ

● КЕЧА Тошкентдаги «Чайка» кинотеатрида Франция комедия фильмлари ҳафталиги бошланди.

Бу кўрикнинг диққатга сазовор жиҳати шундаки, унда намойиш қилинадиган фильмларда жаҳонга машҳур бўлган санъаткор Пьер Ришар суратга тушган. Бу кино асарлари «Лифтдан чап томонда», «Қочиш» деб номланади.

ОРОМГОҲЛАР ЧИРОЙИ

● БУГУН Тошкент шаҳар маданият бошқармасида шаҳардаги маданият ва истироҳат боғларини 12 апрель — СССР Космонавтика кунида очиш режалари тузиб чиқилди.

Кўпгина маданият ва истироҳат боғларининг мавсумда сайлчилар билан гавжум бўлиши кутилмоқда. Бунинг учун тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

СССР ОЛИЙ СУДИДА

Е. А. Смоленцев раислигида СССР Олий судининг навбатдаги пленуми бўлди.

Мамлакатда қасддан қилинаётган жиноятлар сони ҳамон кўпайиб бораётганлиги (1989 йилда бундай жиноятлар умумий жиноятларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этди) муносабати билан пленум порахўрлик, чайқовчилик ва мансабдор кишилар қилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар юзасидан суд практикасининг аҳволини муҳокама қилди.

Пленум порахўрлик тўғрисидаги ишларга доир қарорда иқтисодиётни бошқаришнинг планли асослари заифлашган, нормал бозор муносабатлари мавжуд бўлмаган ва «маҳфий иқтисоднёт» кенг тарқалган шароитда, кооператорлар ва ижарачиларнинг фаолияти, шунингдек якка тартибдаги меҳнат фаолияти муайян даражада мансабдор шахслар ихтиёрига боғлиқ бўлиб қолаётган пайтда порахўрлик хавфи янада кучаймоқда, деб таъкидлади. Давлат, хўжалик, жамоат муассасалари ва ташкилотларининг ишида учраб турадиган таъмагирлик шакли бўлган порахўрлик айни пайтда ўғирлик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, чайқовчилик ва қасддан қилинадиган бошқа жиноятлар билан кўпинча боғлангандир.

Шу туфайли судлар ҳар бир жиноий иш тафсилотлари ҳар томонлама ва холис текширилиши тўғрисидаги қонун талабларини оғишмай бажаришлари шарт. Бунда порахўрликда айбдор бўлганлардан бирортаси ҳам қонунда белгиланган жавобгарликдан четда қолмаслиги керак.

Хусусан, судлар кўпинча иш юзасидан фақат гувоҳ сифатида келадиган пора берувчилар жиноий жавобгарликдан озод этилганлиги тўғри ёки тўғри эмаслигини текширишлари даркор. Порахўрлик тўғрисидаги жиноий ишларни асоссиз равишда бўлиб юбориш ҳоллари учраётганлиги айтиб ўтилди. Бу эса жиноий ишларни тўғри ҳал қилишни қийинлаштиради ва бир қанча ҳолларда жиноий ишлари алоҳида кўриб чиқиладиган шахсларнинг жавобгарликдан асоссиз озод қилинишига олиб келади. Судлар бундай ҳолатлар аниқланган тақдирда ишларни бир суд жараёнида кўриб чиқиш мақсадида уларни бирлаштириш учун дастлабки тергов органларига қайтариш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишлари зарур.

Пленум жиноят состави олдиндан келишиб олинган конкрет ҳаракатни амалга ошириш шарти билан пора бериш чоғида, шунингдек, пора бериш шартлари махсус келишиб олинмаган, аммо жиноят қатнашчилари бу иш пора берувчининг муайян манфаатларини қондиришга эришиш мақсадида қилинаётганлигини биладиган ҳолларда мавжуд бўлишини изоҳлаб берди.

Фақат пул ва бошқа моддий бойликлар эмас, шу билан бирга тўла ёки қисман ҳақи тўланадиган, аммо текинга ado этиладиган хизматлар ҳам пора сифатида эътироф этилиши керак.

Пора берганлиги тўғрисида милиция, прокуратура, суд ёки бошқа давлат органларига ихтиёрий маълум қилиш пора берган кишини жиноий жавобгарликдан озод этади.

Пленум судлар порахўрлик содир этилишига кўмаклашган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлашлари ҳамда сансалорлик, расмиятчилик ва ошна-оғайнигарчилик фактларига алоҳида эътиборни қаратиб, хусусий ажримлар билан бундай сабаблар ва шарт-шароитлар бартараф этилишини талаб қилишлари зарурлигини таъкидлади.

Пленумда чайқовчилик тўғрисидаги ишларга доир суд практикасини таҳлил этиб, ана шундай жиноятлар кўпайганлигига ва улар ижтимоий-иқтисодий вазиятга ҳамда аҳолини товарлар билан таъминлашга салбий таъсир жўрсатаётганлигига қарамай, чайқовчиликда айбдор бўлган кўпгина шахслар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг эътиборидан ҳамон четда бўлиб, жавобгарликдан қутилиб қолаётганликлари айтиб ўтилди.

Шу муносабат билан судларга чайқовчиликнинг барча қатнашчилари белгиланган жавобгарликка тортилиши учун суриштириш ва дастлабки тергов органларига нисбатан талабчанликни кучайтириш таклиф этилди. Хусусан, савдодаги суиистеъмоллар билан боғлиқ ишлар юзасидан судлар суриштириш ва дастлабки тергов органлари камёб молларни атайлаб чайқов йўли билан қонунга хилоф равишда сотишга йўл қўйган савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ходимларини аниқлаш ва жавобгарликка тортиш чораларини кўрган ёки кўрмаганликларини аниқлашлари ва савдони ташкил этишдаги камчиликларга принципиал муносабатда бўлишлари зарур.

Судлар чайқовчилик тўғрисидаги жиноий ишларни кўриб чиқиш чоғида чайқовчилар билан товарни ҳарид қилишда, уни сақлашда, харидорларни қидириб топишда ва шу сингариларда уларга кўмаклашадиган шахслар ўртасидаги алоқанинг қандай тусда эканлигини синчиклаб текширишлари керак. Шахслар ўртасида чайқовчилик тўғрисида олдиндан тил бириктириб олинганда, улардан бири молларни фақат сотиб олиб, бошқалари уларни яна қиммат нархларда сотган тақдирда, қилинган жиноят биргаликдаги чайқовчилик, деб эътироф этилиши керак.

Учига чиққан чайқовчиларга, гуруҳ бўлиб чайқовчилик қилиш ташкилотчилари ва унинг қатнашчиларига ёки алоҳида катта ҳажмда чайқовчилик қилган шахсларга жазо белгилашда жазони қандайдир юмшатишларга йўл қўйиб бўлмаслигига судларнинг эътибори қаратилди. Бунда айбдорларнинг мол-мулкини мусодара қилиш ҳамда жиноий йўл билан орттирилган пул ва бойликларни давлат даромадига ўтказиш тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя этишлари зарур.

Пленум ҳокимиятни ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, ҳокимиятни кучайтириш ёки мансабдор кишиларнинг бепарволиги тўғрисидаги ишларга оид суд практикасини муҳокама қилиб, мамлакат олдида турган вазифаларни ҳал этиш мансабдор кишилар қиладиган жиноятларга қарши курашни кучайтиришни тақозо этишга, чунки бундай жиноятлар давлат ва жамоат ташкилотларининг нормал ишлашини анча ишдан чиқараётганлигига ҳамда гражданларнинг ҳуқуқларига ва қонун йўли билан ҳимоя қилинаётган манфаатларига катта зарар етказаётганлигига судларнинг эътиборини қаратди.

Пленум қонунларни тўғри ва бир хил қўлланиш мақсадида ўзининг касб вазифаларидан ташқари лавозим вазифаларини қўшимча равишда бажарадиган кишилар (шифокор — ғайриқонуний равишда меҳнатга лаёқатсизлик варақасини берган тақдирда; ўқитувчи — малака ёки имтиҳон комиссияси ва шу сингари комиссияларнинг аъзоси вазифасини суиистеъмол қилганда) ҳам мансабни суиистеъмол қилганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкинлигини тушунтириб берди. Хизмат вазифаси билан боғлиқ жиноятнинг зарур белгиси сифатидаги катта зарар моддий зиён етказилгандагина эмас, шу билан бирга гражданларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини бузишда, ҳокимият органлари, давлат ва жамоат ташкилотларининг обрўйини путур етказишда, жамоат тартибини бузишда ва шу сингариларда ҳам ўз ифодасини топиши мумкин.

Пленум хўжасизлик, қўпол маъмуриятчилик, тўрачилик, ўз қўл остидаги ходимлар фаолиятини назорат қилмаслик ҳоллари аниқланган ва шунинг натижасида корхоналар ва ташкилотларнинг нормал ишлаши издан чиқадиган ҳамда катта зарар етказиладиган тақдирда, судлар аниқланган камчиликларни бартараф этишни талаб қилувчи хусусий ажримлар чиқаришлари, бунинг учун далиллар бўлганда эса, жиноий иш қўзғашлари зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Пленум ҳамма жойда кенг тарқалган боғдорчилик ширкатларининг фаолияти билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш чоғида судлар қонунларни қандай қўлланаётганлигини ҳам муҳокама қилди. Агар 1985 йилда 6 миллионтадан ортиқ шундай ширкат бўлса, 1989 йилда эса уларнинг сони қарийб 12 миллионтага етди.

Пленум боғдорчилик ширкатларининг фаолиятига таллуқли норматив ҳужжатлар кўплиги муносабати билан суд практикасида юз берадиган кўпгина масалалар (ширкат уставини рўйхатга олишдан бош тортиш тўғрисидаги қарорларга нисбатан шикоят билдириш тартиби, ажралишган эр-хотин ўртасида чорбоғдан ва ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги низоларни, боғдорчилик ширкатининг вафот этган аъзоси меросхўрлари ўртасидаги низоларни ва шу сингари низоларни ҳал этиш тўғрисидаги масалалар) юзасидан тушунтиришлар берди.

Пленум суд ишлари, жумладан ўттизинчи-қирқинчи йилларда ва эллигинчи йилларнинг бошларида асоссиз қатағон қилинган кишилар катта гуруҳига оид ишлар юзасидан СССР Олий суди раиси ва СССР Бош прокурорининг норозилигини кўриб чиқди. Ана шу барча кишилар оқланди.

Пленум СССР Олий суди раисига мансабига кўра СССР Олий судининг аъзоси бўлган Литва ССР Олий судининг раиси ўртоқ И. П. Мисюнасниннг пленум ишида қатнашиши тақиқланганлиги муносабати билан Литва ССР Олий Советига тавсия юбориш вазифасини топширди.

Пленум ишида СССР Бош прокурори А. Я. Сухарев ва СССР адлия министри В. Ф. Яковлев иштирок этдилар.

(ТАСС).

УЗОҚЛАРДА МИЛТИРАР ЧИРОҚ

• *Лавҳа*

Қош қорайганда қўйларни яйловдан ҳайдаб келган Қасқирбой оғанинг кўзи илингандек бўлди. Шу пайт бирдан қўйларнинг безовта маъ-рашини эшитиб қолди. Сапчиб ўрнидан турди-ю, фонусни олиб қўрага югурди.

Ҳа, у ўйлагандек бўлибди. Кундузи бешта совлиқ безовта бўлаётганди. Бугун-эрта шулар кўзиласа керак, деган фикр кўнглидан ўтувди. Мана, жониворлар чўл шамоли таъсирида қалтираётган майин жунли кўзичоқларига парвона бўлишарди.

Чўпонга эса совлиқ ҳам, кўзи ҳам барибир. У иккаласи ҳам соғ-саломат бўлишини истайди. Шунинг учун кечки ортини бузиб, қўйлардан хабар олгани келди. Ахир, янги туғилган кўзилару, совлиқлар зах жойда қолиб кетса, шамоллайди, нобуд бўлади. Шу боисдан ҳам кўзилатиш даврида чўпон кеча-ю кундуз тинним билмайди. Оға дарҳол кўзиларни олдиндан ҳозирлаб қўйилган иссиқ жойга олиб кирди. Уларнинг кетидан она совлиқлар ҳам кириб келди.

Бундан ўттиз йил муқаддам Қасқирбой оғага отаси Игилиқ оға бундай деганди:

— Ўғлим! Мана, мен ҳам анча кексайиб қолдим. Умрим бўйи чўпонлик қилдим. Сизларни ҳалол меҳнатим билан едириб-ичирдим, кийинтирдим. Ҳалол меҳнат туфайли эл-юрт орасида обрў-эътиборга сазовор бўлдим. Бундан буён менинг ишимни сен давом эттирсанг. Кўп йиллардан бери ардоқлаб келган мана шу таёқни сенга бераман. Ўз вақтида бу чўпонлик рамзини менга бобонг тутқазган эди. Энди сенинг тушиб кетишини айтмайсизми?

Бунинг устига-устак қорақўлчиликка раҳбарлик қилишда ҳам кўнгина нўноқликлар юз берди. Чўпон деганда фақат гўшту ёғ, барра кабобни эслайдиган ҳайбаракаллачилар пайдо бўлишди. Улар чорвадор меҳнатини енгиллаштириш чораларини кўрмадилар. Оддий ғамхўрликни унутиб қўйдилар. Улар ўз-ўзидан чўпонни тобора қашшоқлаштирар, унинг кўнглини ишдан совутарди.

— Хайриятки, кейинги вақтларда қорақўлчиликни кўнгилдагидай ривожлантириш учун бирмунча ишлар қилиняпти, — дейди Қасқирбой оға. — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори билан СЖК препарати қўлланилишини чегаралашга киришилгани айни муддао бўлди. Шунинг учун ҳам ўзбек қорақўли секин-аста аввалги шуҳратини яна тиклаб оляпти.

Ҳаётдан нолишни ёқтирмайман-у, лекин шуни айтиб ўтишим керак, ҳали чўпон меҳнатини енгиллатиш учун кўп иш қилиниши даркор. Эндиликда яйловларда ҳар хил қидирув ишларини тартибга солиш пайти келди. Чунки турли экспедициялар чўлни илма-тешик қилиб юборишди. Бу ўз-ўзидан яйловдаги табиий муҳитни бузиб, гиёҳларнинг камайишига олиб келди.

Булар чўпон қалбидан отилиб чиққан армонлар. Бу муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш тегишли ташкилотларнинг жонажон иши. Ўйлаймизки, улар ҳал бўлар. Лекин ана шундай қийин шароитларда ҳам чўпонлар қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ. Қасқирбой Тангбоевнинг меҳнат кўрсаткичларига назар солсак, бунга гувоҳ бўламиз. Биргина ўтган йилнинг ўзида у бош чўпонлик қилаётган отарда 655 совлиқнинг ҳар юз бошидан 122 тадан соғлом қўзи олинди. 305 ургочи қўзи ўстиришга қолдирилди. Ҳар бир қўйдан 2,2 килограммдан жун қирқиб олинди. Қ. Тангбоев эришган бу ютуқлар муносиб тақдирланди. У СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. Бундан унинг тўққиз фарзанди, айниқса турмуш ўртоғи Маруся Сеитова, қолаверса, бутун ёру-дўстлари хурсанд.

Чўлга яна баҳор келди. Агар деҳқон учун ҳосил йиғиштириладиган долзарб пайт куз фасли бўлса, чўпон учун айни кўклам — масъулиятли палла. Ҳозир, Конимех районидаги «Партия XXV съезди» совхозининг бош чўпони Қ. Тангбоев отарида қўзилатиш қизғин. Унинг нияти — ҳар юз совлиқдан 120 тадан қўзи олиш.

Ҳа, тўл мавсуми чўпондан катта масъулият талаб қилади. Кўпинча тонглар тунларга уланади. Ана шундай пайтларда бепоён чўл тунида олисларда чироқ милтиллаганини кўриб қолсангиз, билингки, у ерда долзарб вазифани шараф билан бажараётган чорвадорлар уйғоқ.

Ш. МИРҲАБИБОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Суратда: СССР Давлат мукофотининг лауреати Қасқирбой Тангбоев.

Ж. МИРЗАЕВ сурати.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Вьетнам Социалистик Республикаси коммунистларининг ВКП Марказий Комитети аъзолигига номзод, ВКП Марказий Комитети фан ва ўқув юртлари бўлимининг мудири Данг Куок Бао бошчилигидаги делегацияси Ўзбекистон билан танишиб бўлди.

Меҳмонлар бир қанча ўқув юртларига, Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Қуёш физикаси» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига бордилар. Республика Фанлар академиясида суҳбат бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳамидов 4 апрель куни делегация аъзоларини қабул қилди.

(ЎзТАГ).

ҲАМЖИҲАТЛИК АСОСИ—ДЎСТЛИК

Америка Қўшма Штатларидан келган «Френдшип форс» («Кучимиз — дўстликда») ташкилотининг делегацияси етти кун мобайнида Ўзбекистон ҳаёти билан танишди. Делегация чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари уюшмасининг таклифига биноан СССРда меҳмон бўлиб турибди.

Меҳмонлар Самарқанд ва Бухорога бордилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Улар меҳнат коллективларида бўлиб, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти фаолларининг оилаларида кўп вақтларини ўтказдилар, совет кишиларининг турмуши билан танишдилар.

Тошкент шаҳар ижроия комитетида суҳбат бўлди.

Америка делегациясининг раҳбари Пол Антон чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятида бўлган учрашувлар ҳамда суҳбатлар вақтида республикада делегация аъзолари меҳмондўстлик билан кутиб олинганлигини таъкидлади. «Френдшип форс» аъзолари ўз ишини халқ дипломатияси асосида олиб борар эканлар, деб таъкидлади у, дўстлик ҳамжиҳатликнинг мустаҳкам асоси эканлигига ишонадилар. Ана шу дўстлик одамларни ажратиб турган барча тўсиқларни енгиб ўтади, бир-биримизни яхши билиб олишимизга имкон беради.

(ЎзТАГ).

Тиловберган ЖУМАМУРОДОВ

Кўп миллатли Ўзбекистон адабиёти оғир жудоликка учради. Қорақалпоқ совет адабиётининг улкан намояндаларидан бири, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ шоири Тиловберган Купбатуллаули Жумамуродов оғир хасталикдан сўнг 75 ёшида вафот этди.

Тиловберган Жумамуродов 1915 йилда Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ ноҳиясида туғилган. В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат дорилфунуни ва Тошкент олий партия мактабини битиргач, Мўйноқ район партия комитетининг бўлим мудири, мухтор жумҳурият матбуот бошқармасининг бўлим бошлиғи, «Совет Қорақалпоғистони» газетасининг адабий ходими ва бўлим мудири, мухтор жумҳурият радиосининг муҳаррири, «Амударё» журнали ва «Қорақалпоғистон» нашриётларида бўлим мудири, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг адабий маслаҳатчиси бўлиб ишлади.

Тиловберган Жумамуродов адабиётга 30-йилларда шоир сифатида кириб келди. Ўшандан бери ижодкорнинг «Чин муҳаббат», «Дўстлик», «Замондошларим», «Давр юлдузлари» каби ўндан ортиқ шеърий тўпламлари, «Гўзал макарья» шеърий романи, «Муҳаббат сири», «Меҳнатда тобланганлар» насрий китоби қорақалпоқ тилида чоп этилган. Қорақалпоқ томошабинлари ва китобхонлари Т. Жумамуродовни мухтор жумҳурият театрида саҳналаштирилган қатор пьесалар муаллифи ва А. С. Пушкин, Умар Ҳайём, Тўхтағул, Муса Жалил асарларининг таржимони сифатида ҳам яхши биладилар.

Шоирнинг қатор асарлари рус, ўзбек ва бошқа қардош халқлар тилларида ҳам босилиб чиққан. Жумладан, «Замондошларим», «Амударё қўшиғи» китоблари ўзбек тилида чоп этилган эди. Унинг адабиётимиз олдидаги хизматлари Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти, «Ҳурмат белгиси» ва «Халқлар дўстлиги» орденлари, қатор медаллар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган эди.

Атоқли шоир, ёзувчи, драматург ва таржимон Тиловберган Жумамуродов номи ва у яратган асарлар мухлислар ва қаламкаш дўстлар хотирасида ҳамиша сақланиб қолади.

Сарвар Азимов, Комил Яшин, Ўлмас Умарбеков, Уйғун, Саид Аҳмад, Рамз Бобожон, Иброҳим Раҳим, Одил Ёқубов, Мирмуҳсин, Тўлапберган Қаипберганов, Йўлмирза Оймирзаев, Иброҳим Юсупов, С. Д. Ниетуллаев, Т. А. Ешимбетова, Александр Удалов, Шукрулло, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор.

САМАРҚАНД БОЖХОНАСИ

Кейинги пайтларда халқаро ҳамкорлик ривожланиб, савдо-иқтисодий ҳамда маданий алоқаларнинг кенгайиб бораётганлиги, шаҳардаги кўпгина корхоналар ва кооперативлар адресига жўнатилаётган юклар ҳажмининг кўпайганлиги туфайли Самарқандда мустақил божхона пости тузишга бўлган талаб кўндаланг бўлиб қолди.

— Ходимларимиз, — дейди божхона постининг бошлиғи Рустам Йўлдошев. — Бож декларацияларини расмийлаштиришнинг тўғрилигини, келаётган юкларни ҳамда экспортга келаётган буюмларни, сўнгги бор кўрикдан ўтказилган мухожирлар ашёларини расмийлаштириш каби кўпдан-кўп икир-чикир ишларни синчковлик билан бажаришга интилишяпти.

Шундан кўринib турибдики, божхонанинг юмушлари жуда кўп. Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси, «8 Март» тикувчилик бирлашмаси, Марказий универсал магазини шаҳар савдо тармоқлари, рўзғор холодильниклари заводи, меҳмонхона комплексини қураётган Ҳиндистоннинг «Ларсен энд турбо лимитед» фирмаси ва бошқа коллективлар божхонанинг доимий мижозлари ҳисобланадилар. Бундай ташкилотлар ва коллективларнинг сони ҳозир 130 га етди. Божхона Самарқанд области ва Сирдарё областига хизмат қилмоқда.

Яқин келажакда бундай божхона постлари бошқа областларда ҳам ташкил этилиши кўзда тутилаётир. Бу эса қабул қилиниб олинаётган ва жўнатилаётган юкларни расмийлаштириш ишларини анча енгиллаштиради.

Суратда: [чапдан ўнгга] божхонанинг катта инспектори Евгений Мурзамдамов, божхона бошлиғи Рустам Йўлдошев ва инспектор Фурқат Зоидовлар томонидан текширув ўтказилаётган пайт.

Р. ҒОФУРОВ сурати [ЎзТАГ].

ОМАДИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ

66-ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

ТИРАЖ 1990 ЙИЛ 30 МАРТДА МОСКВА ВИЛОЯТИНИНГ ШЧЕЛКОВО ШАҲРИДА ЎЙНАЛДИ

Заёмнинг қирқ саккиз разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
200825	008*)	1000	233000	001*)	1000	266729	025*)	1000
202434	005*)	2500	233180	075*)	1000	268886	032*)	500
202713	060*)	10000	233367	1—100	100	268985	096*)	500
203188	081*)	500	233592	025*)	1000	269385	023*)	1000
203478	007*)	500	234103	1—100	250	269862	1—100	250
204422	1—100	100	235687	027*)	500	270603	068*)	2500
205016	083*)	1000	235737	1—100	100	271648	1—100	100
205491	057*)	500	235933	082*)	5000	271764	093*)	500
206501	1—100	250	235970	1—100	100	271912	048*)	2500
206568	012*)	1000	235999	1—100	100	272358	1—100	100
208032	061*)	500	236252	1—100	100	272604	1—100	250
208217	1—100	250	237010	026*)	2500	273599	030*)	500
208369	1—100	100	237499	028*)	1000	274665	022*)	2500
209009	1—100	250	238071	094*)	500	274684	1—100	500
209042	063*)	500	238495	038*)	500	274705	059*)	1000
210597	074*)	500	238560	1—100	250	275311	095*)	2500
210700	011*)	1000	239545	054*)	1000	275499	060*)	500
210722	1—100	250	239739	045*)	5000	275790	1—100	100
210880	1—100	100	240223	030*)	500	275834	046*)	2500
210967	025*)	1000	240915	097*)	1000	275935	085*)	500
211561	090*)	500	241274	1—100	250	275957	055*)	2500
212166	1—100	250	241685	1—100	100	275992	1—100	100
212336	065*)	5000	241947	064*)	500	276561	073*)	500
212679	005*)	1000	242023	1—100	100	277043	1—100	100
213178	082*)	1000	242400	009*)	1000	277293	058*)	500
214207	088*)	500	243797	042*)	5000	277795	072*)	500
214998	010*)	1000	244459	1—100	100	278254	1—100	100
217126	076*)	1000	245341	049*)	1000	278472	098*)	1000
217684	051*)	1000	245514	097*)	2500	279594	1—100	250
217731	087*)	500	245522	094*)	1000	279891	082*)	1000
218994	095*)	1000	245756	1—100	100	280029	001*)	1000
219165	089*)	1000	246756	016*)	1000	280344	003*)	500
219348	017*)	2500	247069	089*)	1000	280483	099*)	1000
220306	070*)	1000	247439	002*)	1000	280953	1—100	100
220732	1—100	100	248015	093*)	2500	281515	1—100	250
220891	023*)	500	248932	004*)	1000	281544	058*)	500
221623	1—100	250	249229	001*)	1000	282144	075*)	500
222024	054*)	500	249650	1—100	250	282280	076*)	500
222229	062*)	1000	249896	046*)	500	282725	1—100	250
222287	007*)	1000	251574	100*)	1000	284301	052*)	2500
222894	094*)	2500	251763	1—100	100	284337	012*)	1000
223190	1—100	100	252650	029*)	500	284560	045*)	500
223389	040*)	1000	252874	1—100	250	284608	048*)	500
223574	1—100	100	253028	069*)	500	284716	014*)	500
223844	030*)	500	254393	1—100	100	284933	068*)	1000
224055	1—100	100	255603	011*)	1000	285230	1—100	100
224757	036*)	500	256142	071*)	1000	285624	098*)	2500
225014	1—100	100	257794	1—100	100	286011	054*)	2500
225172	002*)	1000	258160	038*)	1000	286395	1—100	100
225377	092*)	500	258722	1—100	250	286443	1—100	250
225726	070*)	1000	259687	1—100	100	287341	1—100	250
225840	026*)	500	261437	050*)	500	287624	056*)	500
226168	1—100	100	261790	1—100	250	287821	062*)	2500
227547	1—100	100	262008	030*)	1000	288235	1—100	500
227709	094*)	1000	262371	067*)	500	288888	039*)	500
228288	026*)	1000	262498	1—100	250	289394	1—100	250
228488	052*)	1000	262536	1—100	100	291084	1—100	100
228985	1—100	100	262624	037*)	2500	293382	007*)	1000
229877	1—100	100	263058	083*)	500	293419	1—100	100
229878	036*)	500	263318	1—100	100	293993	1—100	250
230072	1—100	100	263963	055*)	2500	294067	051*)	1000
230177	1—100	250	264287	1—100	250	296429	067*)	500
231947	1—100	100	264433	046*)	2500	297943	024*)	500
232522	026*)	1000	264771	015*)	500	298439	073*)	500
232642	071*)	2500	265727	086*)	1000	298508	009*)	1000
232797	067*)	1000	266004	1—100	100	299212	006*)	500
232811	063*)	5000	266544	1—100	100			

Шу серия даги облигацияларнинг қолган 99 номерига 100 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда 50 сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

100 сўмлик облигацияларга бир хил миқдорда — 100, 250, 500 сўм ютуқ чиққан тақдирда ютуқ чиққан серия даги облигацияларнинг барча номерларига айнан 200, 500 ,1000 сўм ютуқ тўланади. 100 сўмлик облигация номерларидан бирига 500, 1000, 2500, 5000, 10000 сўм миқдорида ютуқ чиққанда унинг иккинчи номерига 100 сўм чиқади ва облигация бўйича 600, 1100, 2600, 5100, 10100 сўм тўланади, 25 сўм қийматидаги облигацияларга 50 сўмлик облигацияга чиққан ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ пулига ютуқ чиққан облигациянинг бевосита қиймати ҳам киради.

Мазкур жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, СССР Жамғармалар банкининг муассасалари ана шу ҳужжат асосида газетанинг навбатдаги сони чиққан кундан бошлаб ютуқларни белгиланган тартибда тўлай бошлайди.

Ютуқлар тиражини ўтказиш комиссияси раиси — халқ депутатлари Шчелково шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси

Н. В. ГАРАНЬКИН.

Тираж комиссиясининг масъул секретари

В. А. ПРИТКОВА.

МАҲАЛЛАНГ—ОТА-ОНАНГ

АСЛИ СЕНДАН БОШЛАНАР ВАТАН

Таърифингни айтсам дафъатан,
Асли сендан бошланар ватан,
Борлиғимсан сен ҳақиқатан, —
Уриб турган юрак, маҳаллам,
Умрим бўйи керак, маҳаллам.

Ризқ-у рўзим, туғилган жойим,
Етиб турган қадамим-пойим,
Хонадоним паноҳим доим —
Кексалар бош-қош, маҳаллам
Жон дўстларга жондош, маҳаллам.

Ишчилари заводда донгдор,
Тунукасоз, министр ҳам бор.
Бир оила, каттакон рўзғор,
Узича бир давлат, маҳаллам,
Тўкавергин савлат, маҳаллам.

Тўрт қаватли ғиштин мактаби,
Кўринар фан чўққиси каби,
Устозларни зўрдир талаби,
Сенга дилдан таъзим, маҳаллам,
Оқлай ичган тузим, маҳаллам.

Ғавжум эрур ҳар бир хонадон,
Шунақанги аҳли болажон
Кеча-кундуз тинмас ҳеч қачон,
Чиндан тўкин ош-нон, маҳаллам
Саҳнларга ошён, маҳаллам.

Юрганида, атир уфурган —
Келиначалар кўча супурган.
Кўчатлари доим қулф урган
Ғулга тўлсин кўчанг, маҳаллам
Ёруғ бўлсин кечанг, маҳаллам.

Келиб қолди сўзнинг хонаси
Бор ўзининг боғ, чойхонаси.
Олтин бўлсин ҳар остонаси,
Тупроғингни ўпай, маҳаллам,
Ўз-ўзингдан кўпай, маҳаллам.

Раим ота деган ўтганди,
Барчага, денг, баробар, танти,
Дўлвор эди мисли афганди,
Ўтганни ёд этар, маҳаллам,
Борларни шод этар, маҳаллам.

Нон ёпади тонгда новвойи,
Ҳовлисида гуллар анвойи,
Кўрса арзир ҳазрат Навоий,
Серфарзанду сертўй, маҳаллам,
Орттиравер обрў, маҳаллам.

Ғапларимнинг тег-маъноси бор:
Ҳали талай муаммоси бор,
Ҳал этарга муддаоси бор:
Хизмат қилиш режам, маҳаллам.
Завол кўрма ҳеч ғам, маҳаллам!

Аҳиллиндир—биринчи модда,
Аждодларни тутгаймиз ёдда.
Аҳли Мўмин самимий содда,
Суравергин даврон, маҳаллам,
Яхшиларга мезбон, маҳаллам.

Пўлат МЎМИН.

• *Улардан ибрат олинг*

ОБРЎ ТОПИШ ОСОНМАС

Арзимаган сабаб билан ака-укалар уришиб қолишди. Бу жанжалга ички ишлар органлари аралашди. Уларни муросага келтириш учун ҳаракат қилинди. Охири бўлмади, милиция ҳам, суд ҳам маҳалла комитетига мурожаат этиб: «Маҳалла комитетида муҳокама қилинглар, суд қилайлик десак уларнинг бири қош, бири кўз экан. Бир умрга юз кўрмас бўлиб кетишмасин, аччиқ устида гап ўтибди», — дейишди.

Маҳалла комитети аъзолари ўзаро кенгашиб, ака-укаларни маҳалла комитетига таклиф этдик. Қарангки, иккала тараф ҳам бу ерга келишни ўзлари учун ор, деб билдилар. Маҳалла комитетига чақирилишимизнинг ўзи биз учун исnод. Бу ёғини ўзимиз келишиб оламиз. Узр, дейишди улар. Ҳақиқатан ҳам ака-ука ўртасида иттифоқлик ўрнатилди... Шунинг учун ҳам мен уларнинг исм-шарифларини келтиришни лозим топмадим.

Ҳўш, маҳалла комитетининг бундай обрўга эга бўлишининг боиси нимада? Комитет аъзолари ва оқсоқоллар, аввало маҳаллада муҳитни барқарорлаштириш йўлидан бормоқдалар. Биронта икир-чикир ҳам эътибордан четда қолмайди. Улар кўчаларнинг ўйдим-чуқурлигидан тортиб сув йўлларини тартибга келтириш, кўча хонадонларнинг озода ва кўркамлигини таъминлашгача бўлган юмушларни ҳам ўз зиммаларига олганлар.

Маҳалламиз муаммолари оқсоқолларнинг ана шундай фаоллиги туфайли бартараф этилмоқда. Биз область ва шаҳар партия комитетларининг секретарларини, ижроия комитет раҳбарларини йиғилишларга тез-тез таклиф этмоқдамиз. Маҳалламизда область партия комитетининг бюро аъзолари билан учрашув ўтказилди. Яқинда эса Андижон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Т. Ҳатамов ва шаҳар ташкилотларининг раҳбарлари билан аҳолининг турли масалалар бўйича савол-жавоб кечасини ташкил этдик. Меҳнаткашлар маҳалла муаммоларини ўртага ташладилар, унинг ижрочилари эса имкониятлари даражасида у ёки бу масалани ҳал қилишга ваъда бердилар. Шунга ўхшаш амалга ошириладиган ишлар эса маҳалла комитети назоратида турибди. Бу ўз навбатида сўз билан иш бирлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ҳозир маҳаллада телефон, қисман сув ва газлаштириш масаласи ҳал этилди. Уч жойда новвойхона, икки жойда чойхона, беш жойда озиқ-овқат дўкони, почта, иккита мактаб ишлаб турибди. Кўчаларимизнинг аксарияти асфальтланди. Аҳолини уй-жой билан таъминлашни тезлаштириш мақсадида 31-ўрта мактаб ўқитувчилар коллективи билан социологик тадқиқот ўтказдик. Ким якка тартибда уй қуришга қодир, ким кооператив уй солмоқчилигини, ҳатто ким қанча қурилиш материалларига муҳтожлигини хомчўт қилдик. Сўнгра уни шаҳар ижроия комитетига тақдим этдик.

Маҳалла комитети обрўси унинг оқсоқолларига боғлиқдир. Улар гўё сувнинг бошида турган миробларга ўхшайдилар. Уларнинг маслаҳати ва тавсиялари билан «сувнинг» қайси тарафга оқиши белгиланади. Маҳалламиз территорияси катта. Шуни ҳисобга олиб маҳаллани микроучасткаларга ажратганмиз. Ҳар бир микроучастканинг эса ўз фаоллари ва оқсоқоллари бор. Улар аҳолининг хоҳиш-иродасини фаолиятларида ифодаланган ҳолда ҳаракат қиладилар. Масалан, Мирпўстин маҳалласи микроучасткасида Обиджон Жалилов ва Маҳаммаджон Ҳамроқулов етакчилигида, Гулчеҳра Маҳмудова, Усмонжон Абдураҳмонов, Мойбоғча участкасида Собиржон Болтабоев, Ҳамиджон Аҳмедов, Пистамозор, Мирболти ва Навбаҳор участкаларида Абдуллажон Тожибоев, Сирожиддин Рустамов кабилар фаолият кўрсатяптилар, янгича урф-одатларни турмушга татбиқ этишда бош-қош бўлмоқдалар. Мирпўстин маҳалласи микроучасткаларининг оқсоқоллари хонадони нотинч оилалар билан шуғулланишда янгича усул ва услубларни қидириб топмоқдалар. Масалан, шу маҳалла оқсоқоллари ўзбошимчалик билан иш тутганларнинг тўй-маъракаларига ташриф буюрмасликкача қарорга келмоқдалар.

«Дўстлик» участкаси оқсоқолларининг ташаббускорлиги ҳақида алоҳида гапириш керак. Оқсоқоллардан Ҳамиджон Раҳматов, Жўравой Қосимов, Жўра Мамадалиев, Ғуломжон Абдулазизов ва бошқаларнинг талабчанлиги, тиниб-тинчимаслиги туфайли Оталар чойхонаси қурилди. Ташландиқ жой ўзлаштирилиб, ветеран-педагог Зокиржон Каримов эса ўзининг шахсий жамғармаси ҳисобига ўсмирлар учун дурадгорлик устахонаси қуриб берди. Ҳозир устахонада маҳалладаги болаларгина эмас, балки қўшни маҳалалардан ҳам ёшлар келиб ҳунар ўрганмоқдалар. Устахонанинг ишга туширилиши эса кўчама-кўча санқиб юрувчи болаларни ижтимоий-фойдали ишга жалб этиш, уларни ҳунарли бўлишлари учун имконият яратди. Устахонага Зокиржон ака Каримовнинг ўзи раҳбарлик қилмоқда. Ота-оналар маҳалла оқсоқоллари, фаолларидан миннатдор бўлмоқдалар.

Худди шундай ташаббускорлик маҳалламизнинг Мирпўстин микроучасткасининг оқсоқолларига ҳам хосдир. Уларнинг қатъийлиги туфайли кўчаларга асфальт ётқизилди, қабристон ободонлаштирилди, хотира уйи ва видолашув майдончалари ташкил этилди.

Маҳалламизда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар шуни кўрсатмоқдаки, қаерда оқсоқоллар фаол бўлса, ўша жойда ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлашади, оилавий жанжаллар камаяди, ободончилик ишлари яхши йўлга қўйилади. Мен шу ўринда оқсоқол сўзини фақат кексаларгагина хос эмаслигини таъкидламоқчиман. Бизнинг оқсоқоллар орасида ёши қирққа етганлари ҳам бор, етмишдан ошганлари ҳам бор. Гап кишиларнинг ташаббускорлиги ва ҳаракатчанлигида. Оқсоқоллар орасида фақат кекса одам бўлиши шарт эмас. У лаёқатли ва ташкилотчи бўлсагина маҳалла ташвишларини қалбдан ҳис этади.

Маҳалламиз Султон Жўра номли маҳалла билан туташ. Иккала маҳалла ўртасида бир неча гектар ерни ташкил этган манзарали дарахтзор бор. Уни андижонликлар «Афғон боғ» деб аташади. Ҳозир шаҳарнинг қоқ ўртасидаги шу дарахтзорни маданият ва истироҳат боғига айлантириш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Бу ҳақда мен шаҳар партия конференциясида гапирган эдим. Область «Коммунист» газетасида ҳам ана шундай таклиф билан чиқилган эди. Аммо ўша мевали кўчат етиштирувчи хўжаликка қарайдиган дарахтзорни истироҳат боғига айлантиришга на область, на шаҳар партия ва совет ташкилотлари ботинолмаяптилар. Бу ерда ноёб дарахтлар бор эмиш. Бор бўлса яна яхши. У одамларга хизмат қилиши керак. Ахир Гагра ва Сочи шаҳарлари боғларидаги ноёб дарахтлар кишиларга маънавий озуқа беряпти-ку.

Шунингдек, бизнинг маҳаллада ҳам, бошқаларида ҳам партия группалари ташкил этилган. Ўн бир коммунистни уюштирган партия группаси сиёсий-тарбиявий ишларни олиб боришда таянч ролини ўтамоқда. Лекин улар билан ишлашни янада яхшилаш, жанговарлигини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак. Коммунистларнинг ҳар бири ўзлари илгари ишлаган корхона, хўжалик ва муассаса ҳисобида турадилар. Лекин улар ўша партия ташкилотидан ажралиб қолганлар. Уларнинг учёти партия группасига ўтказилса яхши бўлар эди. Ўшанда партия группасининг ишида ҳамкорлик ва таъсирчанлик таъминланар эди.

М. НИЁЗОВ,
Андижон шаҳридаги «Дўстлик» маҳалла комитетининг раиси, Андижон шаҳар партия комитетининг аъзоси.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Ўзбекистон ССР Қурилиш нозирлиги ҳайъати ва жамоаси 160-қурилиш трести бошқарувчиси Ф. А. Абдуҳамидова онаси

Шаҳодат АБДУҲАМИДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Молия нозирлиги кекса молия ходими, шахсий пенсионер

Илҳом КАРИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Муштум» журнали редакцияси жамоаси журнал ходимаси А. Солиҳованинг отаси

Қобилжон СОЛИҲОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти маъмуриятга, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари ҳамда «Фан ва турмуш» журнали жамоаси журнал бош муҳаррирининг ўринбосари К. С. Ҳолмуҳамедова акаси

Қобилжон СОЛИҲОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Р. — 10006. №-80. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12